

WWW.MV-VATANPARVAR.UZ

@ VATAN@EVO.UZ

VATAN - MUQADDAS, UNI HIMOYA QILISH SHARAFLI BURCHDIR!

VATANPARVAR



Сайтимизга ўтиш
учун QR-коднинг
телефон орқали
сканер қилинг.



2020 йил 19 июнь, № 25 (2880)

4-5-бетда



ПОЛИГОНДА
ИННОВАЦИОН МАШҒУЛОТ

● Адлия вазирлигида 2018 йил 19 майда 3014-сон билан рўйхатдан ўтказилган «Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг эски намунадаги 50 ва 100 сўмлик тангаларини, шунингдек, 50, 100, 200 ва 500 сўмлик банкнотларини айирбошлаш ҳамда муомаладан қайтариб олиш тартиби тўғрисида»ги низомга асосан 1997 йил намунасидаги 200 сўмлик, 1999 йил намунасидаги 500 сўмлик банкнотлар 2020 йил 1 июлдан қонуний тўлов воситаси сифатида ўз кучини йўқотади.

Эски намунадаги ўшбу пул белгилари 2020 йил 1 июлга қадар барча тижорат банклари бўлинмалари, 2020 йил 1 июлдан кейин эса Марказий банкнинг ҳудудий бош бошқармалари Ҳисоб-китоб касса марказлари томонидан қабул қилинади ва муомаладаги пул белгиларига чекланмаган миқдорда алмаштириб берилади.

● Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразми вилояти аҳолисини электр энергиясига бўлган эҳтиёжини тўлиқ қоплаш мақсадида «Тахياتош ИЭС»да 280 МВт қувватдаги иккинчи буғ-газ қурилмасининг ишга тушириш жараёни амалга оширилди.

Ушбу йирик инвестицион лойиҳа мамлакатимиз Президентининг 2017 йил 11 сентябрдаги «Тахياتош ИЭС»да 230-280 МВт қувватга эга иккита газ-буғ қурилмаларини қуриш» инвестиция лойиҳасини амалга оширишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ бажарилмоқда.

Лойиҳа бўйича Жанубий Кореянинг Hyundai Engineering ва Hyundai Engineering & Construction компаниялари консорциуми билан ҳамкорликда қилинмоқда.

Интернет материаллари асосида тайёрланди.

ЎЗБЕКISTON



8 ЮКСАК НАФОСАТ
ВА МАНГУ ҲИҚМАТ
ОБИДАСИ

11 РЕКЛАМАДАГИ
ЖОЗИБАДОРЛИК СИРИ

17 «Zoom» ВА «Tik Tok»
ИЛОВАСИ ҚАНЧАЛИК
ХАВФЛИ?

18 ЭЛМУРОДНИНГ
ЮТУҒИ

13-бетда



ВЕЛОСИПЕДНИ ҚАЙТАДАН
КАШФ ЭТАМИЗ!

Мудофаа вазирлиги тизимига оид сўнги янгиликлар билан қуйидаги манзиллар орқали танишинг:

t.me/mv_vatanparvar_uz
t.me/mudofaa_press

facebook.com/UzArmiya

instagram.com/uzbekistanarmy

ИШЧИ ГУРУҲИНИНГ БИРИНЧИ ЙИҒИЛИШИ

сарҳисобдаги шаффофлик ва рағбатлантиришга қаратилди



Юртимизда олиб борилаётган кенг кўламли ислохотлар, айниқса, ёшларнинг ҳарбий-ватанпарварлик туйғуларини оширишга қаратилган ишлардан барчамиз хабардоримиз. Энди эришилаётган ютуқларни эътироф этган ҳолда натижаларни сарҳисоб қилиш мавриди келди. Вазирлар Маҳкамасининг «Ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ишлари самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори бу борадаги ишлар сарҳисобини жадаллаштирди.

Қарорга кўра, ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ишларини самарали ташкил этиш, бу борадаги ишларга вазирликлар, идоралар, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият ор-

ганларини фаол жалб этиш, шунингдек ҳарбий-ватанпарварлик, маънавий-маърифий, маданий ва оммавий спорт тадбирларини ўтказишда соғлом рақобат муҳитини яратиш мақсадида ёшларни

ватанпарварлик руҳида тарбиялаш борасида ҳарбий-маъмурий секторларда амалга оширилаётган ишларни баҳолаш бўйича танлов ўтказиладиган бўлди. Бундан кўзланган асосий мақсад, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, миллий қадриятларимиз, анъаналаримизга содиқлик, улар ўртасида Ватанга садоқат туйғусини шакллантириш, «оммавий маданият» кўринишидаги салбий иллатларни тушунтириш, тарбиянинг замонавий шакл, усул ва воситаларини ҳаётга кенг татбиқ этишдир.

Қуролли Кучлар давлат музейида ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш борасида амалга оширилаётган ишларни баҳолаш бўйича ташкилий ишчи гуруҳ таркибининг биринчи йиғилиши бўлиб ўтди. Ишчи гуруҳи аъзолари танловни ўтказиш

тартиби, баҳолаш мезонлари, шаффофликни таъминлаш ҳамда голибларни муносиб рағбатлантириш юзасидан таклиф ва мулоҳазаларини билдирдилар. Мудофаа, Ички ишлар, Фавқулодда вазиятлар, Халқ таълими, Мактабгача таълим, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш каби вазирликлар, Ёшлар иттифоқи, Миллий гвардия, ДХХ Чегара кўшинлари кўмондонлиги, Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти каби нуфузли муассасаларнинг вакилларида иборат ишчи гуруҳи чиқарган хулосага кўра, танлов натижалари ҳар йили январь ойида – Ватан ҳимоячилари куни байрами арафасида ўтказиладиган тантанали тадбирда эълон қилинади ва голиблар тақдирланади.

Абдулла ЎКТАМҚУЛОВ

Пойтахтимизда барпо этилган Адиллар хиёбони чинакам маънавият-маърифат маконига айланиб улгурди. Бу масканда олий ўқув юрти ўқитувчилари, адабиётшунос олимлар, ижодкорлар ҳамда ҳарбийлар ва талабалар иштирокида турли тадбирлар ўтказилмоқда.

Жумладан, Ҳаво ҳужумидан мудофаа кўшинлари ва Ҳарбий ҳаво кучлари кўмондонлигининг бир гуруҳ ҳарбий хизматчилари Адиллар хиёбонига ташриф буюришди.

Бу хиёбонда тил маънавияти, миллат маданияти, келажаги учун қайғурган, қалами билан кўнгилларга кириб борган ижодкорлардан йигирма тўрт нафарнинг ҳайкаллари жам бўлган бўлиб, улар оралаб ўтган йўлакларнинг барчаси Навоийга, кўнгилга элтади. Шу залда маърифат зиналаридан кўтарилиб бораверасиз. Ўзлигини топасиз. Ҳа, хиёбоннинг барпо этилиши адабиётимизга бўлган юксак эътибор исботидир. Ўз ўрнида бу маскан ижодкорларга фахр туйғусини бериш билан биргаликда, зиммасига масъулият ҳам юклайди.

Ҳарбийлар хиёбон оралаб сайр қилар экан, аждодлар даҳосига алоҳида тўхталиб ўтишди. Ҳам шох, шоир, саркарда ва фотиҳ бўлган буюк боболаримизнинг саркардалиқ салоҳияти, давлат

БУ ЙЎЛЛАР НАВОЙГА ЭЛТАДИ!



ишларини олиб бориш сиёсати, ижодий тафаккурининг юксаклиги хусусида батафсил маълумот олишди.

– Сафдошларимиз билан хиёбонга келиб, маънавий озуқа олдик. Масалан, Саид Аҳмад ва Саида Зуннунованинг ҳайкали пойига гул қўяр эканмиз,

ҳаётдаги қийинчилик, синовларни бардош билан енггани, уларнинг адабиёт ривожига қўшган ҳиссаси таҳсинга лойиқ. Бу масканга оиламиз билан яна келишни ният қилдик, – дейди кичик сержант Санжар Юсупов.

Ш. НИШОНОВА

БИЛИМЛАР САРҲИСОБИ

ЛЕЙТЕНАНТЛИККА БИР ҚАДАМ

Талабалик даврим худди кечагидек ёдимда. Тўрт йил елиб-югуриб ўқиганинг бир ён-у, устозлардан ўрганган билимларингни давлат имтиҳони комиссияси қаршида оқлаш бир томон. Ўзлаштириши ва ўзига ишончи мустақкам илму толиб борки, ушбу масъулиятли довондан қийналмай ўтади.

Айни кезде Мудофаа вазирлиги тасарруфидаги олий ҳарбий таълим муассасаларида битирувчи босқич курсантларининг давлат имтиҳонлари қизғин давом этмоқда.

Қуролли Кучлар академия-сининг битирувчи курсантлари ҳар битта давлат имтиҳонига пухта тайёргарлик кўргани саволларга қайтарётган жавобларида акс этмоқда. Жорий ҳафта аввалида чет тили, гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар, тактика, отиш тайёргарлиги каби фанлардан имтиҳон олинган бўлса, жангда муҳандислик таъминоти ва муҳандислик қўшинлари бўлинмаларининг тактик ҳаракатлари, радиацион, кимёвий ва биологик разведканинг техник асослари, қўшинларга махсус ишлов бериш, қўшинлар фронт орти таъминоти, ёнилғи-мойлаш материаллари таъминотини ташкиллаштириш сингари фанлар бўйича ҳам якуний давлат аттестацияси муваффақиятли топширилмоқда.

Ўзбекистон олий ҳарбий авиация билим юрти 5-босқич курсанти Аббос Раҳимжонов имтиёзли диплом олишга даъвогар битирувчилардан бири. Таҳсил даврида Аббос барча фанларни аъло ўзлаштириши, намунали хулқи билан бирга қатор халқаро мусобақаларда совриндор бўлди. Хусусан, у Россияда олий ҳарбий таълим муассасалари курсантлари ўртасида ўтказилган олимпиадада инглиз тили фани бўйича кучли учқидан ўрин олди. Давлат имтиҳонларини ҳам фақат аъло баҳога топширишга интиляпти.

– Битирувчиларимиз давлат имтиҳонларида тажрибали профессор-ўқитувчилар, офицерлардан олган билимларини муносиб намойиш этмоқда, – дейди Ўзбекистон олий ҳарбий авиация билим юрти кафедра бошлиғи подполковник Озод Эралиев. – Ўқитувчиларимиз малака ошириш марказларининг тегишли сертификатига эга. Айни пайтда кафедрамизнинг тўрт нафар ўқитувчиси PhD илмий даражасини олиш учун тадқиқот олиб бормоқда. Подполковник Ғофуржон Туганов билан биргаликда яратилган газотрубин двигателларининг вибрацион хусусиятларини ўлчайдиган қурилма ва ундаги маълумотларни кўрсатувчи андроид дастурига иловамиз шу йили Интеллектуал мулк агентлиги томонидан патентлаштирилди. Ўз фаолиятига илмий, инновацион ёндашиш малакалари курсантларимизга ҳам чуқур сингдирилган. Келгусида улар ўзига билдирилган ишончини оқлайдиган, соҳани такомиллаштиришга муносиб хисса қўшадиган етук офицер бўлади.

Юртимизда ҳарбий авиация мутахассисларини тайёрлайдиган мазкур билим юрти битирувчиларининг чет



тили, гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлардан давлат имтиҳони ҳамда битирув-малакавий ишлари ҳимояси ўз якунига етди. Олдинда ҳар бир гуруҳ учун фақат ўз ихтисослиги бўйича биттадан ўқув фани синовлари бор. Демак, яқин фурсатларда улар ҳам билим юртининг навбатдаги қалдирғочига айланади.

Ахборот-коммуникация технологиялари ва алоқа ҳарбий институти 5-босқич курсантлари Темур Қутлимуродов ва Алишер Ибрагимов ўқитувчи ва тенгдошлари орасида иқтидори, замонавий ахборот технологияларига доир инновацион техник фаолияти билан танилган. Улар каби фаол курсантларнинг институт дронетехника лабораториясида яратган қурилмалари муайян ижтимоий муаммоларни ҳал этишга қўл келади. Институтда Темур ва Алишер сингари истеъдодли ёшлар кўп. Давлат имтиҳонларида улар ўз билим ва маҳоратини яққол намойиш этмоқда. Тактик махсус тайёргарлик фанидан бўлган имтиҳонлардан бирин-кетин чиқиб келаётган курсантларни суҳбатга қорладиқ.

– Ўз касбининг устаси бўлиш учун нафақат ишингни севиш, балки унинг тараққиётига муносиб хисса қўиши талаб этилади, – дейди курсант Темур Қутлимуродов. – Ўқиш даврида институтда дастурлаш тиллари, маълумотлар базасини ташкил этиш, криптография, дастурий таъминоти, телекоммуникация тармоқларини яратиш, ҳатто майда платалар йиғишни ўргандик. Энди ана шу билимларимизни Қуролли Кучларимиз равнақи йўлида сафарбар этамиз.

Чирчиқ олий танк қўмондонлиқ-муҳандислик билим юрти битирувчи босқич курсантлари ҳам мутахассислик йўналишлари бўйича махсус тайёргарлик ва бошқа фанлардан давлат имтиҳонларига жиддий киришган. Қуролли Кучларимизга танк қўшинлари тактик қўмондонлиги, танк қўшинлари тактик муҳандислиги, автомобиль қўшинлари, ҳаво-десант ҳамда артиллерия қўшинларига малакали кадрлар тайёрланадиган ушбу таълим муассасасида ўқув фанлари бўйича барча синовлар кўтаринки руҳ ва юқори савияда ўтказилмоқда.

– Давлат аттестация комиссияси олдида билим юртида олган билим-

гуси фаолиятимизда ўз самарасини бериши шубҳасиз.

Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги Ҳарбий тиббиёт факультетида ҳам айни жараён пандемия шароитида ўрнатилган карантин қоидалари асосида олиб борилмоқда. Бўлажак ҳарбий шифокорлар давлат имтиҳонларида билимларини сарҳисоб қилиб, ўз устида тинимсиз ишлаш, саволларга тўлақонли жавоб қайтаришга ҳаракат қилмоқда. Давлат имтиҳонларини топшириш бўйича шакллантирилган жадвалга асосан, факультет битирувчилари Ўзбекистон тарихи ва мутахассислик фанларидан тест синовларини

ларимизни яна бир қарра синовдан ўтказаямиз, – дейди Чирчиқ олий танк қўмондонлиқ-муҳандислик билим юрти 4-босқич курсанти Тоиржон Шербеков. – Юртимизда кечаётган пандемия шароити бизнинг юқори ва жанговар руҳиятимизга таъсир ўтказгани йўқ. Яширмайман, ҳозирданок ўзимни ёш офицер сифатида ҳис этишни бошлаяпман. Бизга ўтган йиллар давомида астойдил билим берган офицерлар, устоз-мураббийларимизга миннатдорлик билдираман. Улардан ўрганганларимиз кел-

муваффақиятли топширган бўлса, энди объектив тузилмавий клиник имтиҳон бўйича амалий топшириқларни бажаради.

Шу тариқа битирув-малакавий иш ва якуний имтиҳонлар ўз ниҳоясига етиб, синовлардан ўтган барча курсантлар келгуси ҳафтада лейтенант ҳарбий унвони ва давлат намунасидаги дипломга эга бўладилар. Халқона айтганда, битирувчилар учун лейтенантликка бир қадам қолди.

Д. РЎЗИҚУЛОВ

Битирувчилар билан онлайн мулоқот

Низомий номдаги Тошкент давлат педагогика университетининг Ҳарбий таълим факультетида 2019/2020 ўқув йилида университетни муваффақиятли тамомлаган битирувчилар иштирокида «Битирувчи – 2020» онлайн мулоқот ўтказилди.

Унда халқ таълими вазири ўринбосари Дилшод Кенжаев, Мудофаа вазирлиги Кадрлар бош бoshқармаси бошлиғи ўринбосари полковник Шермухаммад Саидахматов ҳамда Тошкент шаҳар ва вилоят халқ таълими бошқармалари бошлиқлари иштирок этди.

Мулоқотда 2019/2020 ўқув йили якунлари, битирувчиларга дипломларни тақдим қилиш тартиби, уларнинг кейинги фаолияти ва тақсимот асосида ишга жойлашиши ҳамда уларга Мудофаа вазирлиги томонидан (захирадаги лейтенант) ҳарбий унвон бериш тартиби хусусида сўз борди. Шунингдек, тадбир давомида битирувчилар учун тегишли ташкилотларда таклиф этилаётган иш ўринлари ҳақида ҳам батафсил маълумот берилди.

Ш. ТУРСУНОВ,
Ҳарбий таълим факультети ёшлар билан ишлаш бўйича декан ўринбосари

Юксак касб маҳорати ва ҳарбий интизом – ҳар бир ҳарбий

ТОШКЕНТ ҲАРБИЙ
ОКРУГИАНГРЕН УМУМҚЎШИН
ТОҒ ПОЛИГОНИ

« Аввал хабар қилинганидек, Мудофаа вазирлиги қўшинларида 2020/2021 ўқув йили бошланди. Айти кезда қўшинларда янги мавсумнинг ўқув-амалий машғулоти қизғин ва юқори савияда ўтказилди.

ПОЛИГОНДА

ИННОВАЦИОН МАШҒУЛОТ



Жумладан, «Ангрен» умумқўшин тоғ полигононда Тошкент ҳарбий округига қарашли ҳарбий қисм бўлинмаларининг жанговар ва махсус тайёргарлиги бўйича инновацион ўқув-амалий машғулоти ташкил этилди. Машғулоти аввалида ҳарбий хизматчиларга хавфсизлик талаблари ҳамда карантин қоидаларига қатъий риоя қилиш зарурлиги таъкидланди. «Юксак касб маҳорати ва ҳарбий интизом – ҳар бир ҳарбий хизматчининг Ватан ҳимояси учун қўшган ҳиссасидир!» шиори остида ўтказилган машғулотининг дастлабки савийа руҳий барқарорлаштирувчи тўсиқлар йўлагидан олиб борилди. Унинг инновацияси-ю ўзига хосликларини ижодий жамоамиз билан бирга кузатдик.

– Узунлиги 800 метрдан иборат ушбу йўлак 14 та тўсиқдан таркиб топган, – дейди капитан Анвар Қулмуродов. – Уларнинг ҳар бири алоҳида бажаришни талаб этадиган вазифаларни ўз ичига олган. Одатдаги тўсиқлар йўлагидан фарқли ўларок, ўқув машқи учун майдон атайин қия нишабликда қурилган. Бу эса бир тўсиқдан кейингисига ўтишда ҳарбий хизматчининг руҳий чидамлилиги ва жисмоний чиникишини икки баробар оширади. Боз устига, душман ҳар доим ҳам текисликда учрамайди. Мазкур усулдаги кўникма ва тайёргарлик тоғ шароитида қанимни яқсон қилишда айти мудао бўлади. Қолаверса, юрт посбонларининг ахлоқий-руҳий сифатларини юксалтириш, жангда стрессга тушмаслик, ҳар

қандай шароитда ҳар қандай ёвга қақшатқич зарба бериш кўникмаларини оширишга хизмат қилади.

Аёзли қиш қаҳратони-ю ёз ҳазирасига қарамай, ҳар қандай об-ҳаво шароитида ўз олдига қўйилган вазифани сидқидилдан, бекаму кўст бажарадиган ўғлонларнинг маҳорати ана шундай мураккаб машқларда тобланиб, тобора сайқалланмоқда. Ҳар бир тўсиқни метин ирода, куч-ғайрат, матонат билан енгиб, аниқ ва тўғри бажарган ҳарбийлар марра чизигига етиб келди.

– Ҳарбий хизматчиларнинг жипсликда ҳаракатлангани ва белгиланган вақтда маррани забот этганини ҳисобга олган ҳолда айтишим мумкинки, гуруҳ бу борада қўйилган вазифани



Хизматчининг Ватан ҳимояси учун қўшган ҳиссасидир!



бажаришга тайёр, – дейди подполковник Мурод Қосимов. – Бу каби амалий машғулотлар ҳарбий хизматчига нафақат ўз касбининг устаси, балки ўзига бўлган ишончни оширишга туртки беради.

Навбатдаги машғулотда шахсий таркибнинг тактик тайёргарлиги, гуруҳ командирларининг бошқариш ва ностандарт қарор қабул қилиш малакалари синовдан ўтказилди. Унда ҳарбий хизматчилар икки гуруҳга бўлинган ҳолда, тоғ шароитидаги шартли тўқнашувда рақибларни енгиб, гуруҳ аъзоларини беталафот олиб чиқиши белгиланди. Ҳарбий хизматчилар ҳаракатланишидаги ютуқ ва камчиликлар атрофлича таҳлилга тортилди.

Кейинги машғулотда «Тревога» сигналига кўра, шахсий таркиб юқори жанговар шайликка келтирилди. Қисқа вақт ичида ҳарбий хизматчилар ўзларига тегишли бўлган қурол-аслаҳаларини олиб, қўйилган вазифани бажаришга киришди. Унда шахсий таркибнинг ахлоқий-руҳий ҳолатини юксалтириш, табиий ва сунъий тўсиқларни ўзига хос ирода ва чаққонлик билан енгиб ўтиш кўникмаларини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилди.

Дарҳақиқат, бугун ҳарбий хизматчилар кенг фикрлайдиган, илму салоҳиятли, ҳар қандай ёт гоёга муносиб жавоб қайтаришга қодир бўлиш билан бирга жанговар имкониятларини ҳам мунтазам такомиллаштириши керак. Шу мақсадда Ватан посбонлари билан ўқотар қуроллардан самарали фойдаланиш, нишонларни яқсон қилиш машғулотларининг мунтазам олиб борилаётгани айтиш мумкин.

Ҳарбий хизматчилар жанговар вазифаларни бажариш чоғида душман билан қуролсиз, яккама-якка жанг олиб бориши ҳам мумкин. Қўққисдан ҳамла қилган рақибни мағлуб этишда тезкорлик, чаққонлик қўл келади. Шу боис ҳарбий қисмда юрт ўғлонлари билан

спортнинг турли йўналишлари, жумладан, қўл жанги бўйича машғулотлар мунтазам равишда олиб борилади. Бу машқлар йигитларнинг иродасини тоблади, мушакларини бақувват қилиб, жисмоний имкониятларини оширади.

– Комбат Айкидо ўз ичига бир қатор йўналишларни қамраб олган жанговар спорт тури

лик, диққат-эътибор ва мунтазамлик муҳим аҳамиятга эга. Шунингдек, ҳар бир усулнинг моҳияти ва негизини тўлиқ тушунириб ўргатамиз. Спортда чиниққан ҳарбийлар ўз олдига қўйилган вазифаларни профессионал даражада адо этиши сир эмас. Шогирдларимиз орасида халқаро миқёсдаги мусобақаларда зафар



Мўглиф суратга олган

ҳисобланади, – дейди взвод командирининг ўринбосари капитан Алибек Хидиров. – Бу сўз луғавий жиҳатдан «атрофимда шар бор, уни ҳеч ким ёриб киролмайди», деган маънони билдиради. Уни шахсий таркибга ўргатишдан кўзланган асосий мақсад ҳарбий хизматчиларнинг ўзига нисбатан жуссаси, кучи, бўйи баланд рақибини енгиш имкониятларини оширишга қаратилган. Машғулотларни ўзлаштиришда аниқлик, эпчиллик, хавфсиз-

кучиб, юртимиз байроғини баланд кўтараётган умидли ёшларнинг ортаётгани қувонарлидир.

Юксак шижоат, кўтаринки руҳ ва юқори савияда ўтказилган ҳарбий машғулотлардан кўзланган асосий мақсад шахсий таркибнинг жанговар шайлигини оширишга қаратилди. Бу ҳарбий хизматчиларнинг ҳар қандай кутилмаган, ноқулай шароитларда нафақат жисмоний, балки ахлоқий-руҳий салоҳияти ошиб бораётганидан далолат беради.




Дилшод РЎЗИҚУЛОВ,
«Vatanparvar»

“ Бугун ахборот ва коммуникация моддий, маънавий, ижтимоий соҳаларнинг ривожига туртки берадиган, ҳатто ҳал қилувчи роль ўйнайдиган даражага етди.

«VATANPARVAR»

миллий матбуот саҳифасидаги 28 йил



Бу эса жаҳон майдонида ахборот учун курашни тобора авж олдирмоқда. Бу кураш моҳияти етакчи мамлакатлар ғояси, мафқураси орқали инсонлар онгини, дунёқарашини эгаллашга бўлган ҳаракатларда яққол кўринади. Шунинг учун бу майдонда миллий манфаатларни ҳимоя қилишга бўлган эҳтиёж ҳар қачонгидан долзарб. Тобора мураккаблашиб бораётган глобал ахборот маконида ҳарбий журналистика олдида ҳам «жанговар сўз» айтиш масъулияти ортиб бормоқда.

Шу сабабли 2018 йил 28 ноябрда Қуролли Кучлар академиясида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Хавфсизлик кенгашининг кенгайтирилган таркибда бўлиб ўтган йиғилишида давлатимиз раҳбари юртимизда ҳарбий журналистикани ривожлантириш бўйича муҳим вазифаларни белгилаб берди. Натижада 2019 йилдан эътиборан Ўзбекистон Журналистика ва оммавий коммуникациялар университетида ҳарбий журналистларни тайёрлаш йўлга қўйилди. Мудофаа вазирлиги матбуот хизмати янги тузилмага – Мудофаа вазирлиги Ахборот ва оммавий коммуникациялар департаментига айлантирилди. Барча ҳарбий округларда матбуот хизматлари фаолиятига асос солинди. Ички ишлар вазирлиги, Миллий гвардия, ДХХ Чегара қўшинлари томонидан республика босма ва электрон ОАВда ахборот бериб боришнинг изчиллиги, мунтазамлиги ва кўламдорлиги ортиб борапти. Бу билан Ўзбекистонда ҳарбий журналистика янги бир босқичга кўтарилди.

Кечагина дунё саҳнида пайдо бўлган миллат, давлат эмасми. Ўтмишимиз, давлатчилигимиз буюк. Мана шу томирларда оқаётган куч янги Ўзбекистонни янги даврга, янги босқичга олиб чиқиши учун ким эканлигимизни теран аниглашимиз лозим.

Шу ўринда ҳарбий журналистикамиз тарихидан икки оғиз сўз. Халқимизнинг тарихий томирлари қадим-қадим замонларга бориб туташади. Туркистон халқлари ҳарбий журналистикасининг тарихини нотиклик, воизлик, қаландарлик, битикчилик фаолияти ривожланган даврдан ўрганиш манتيқан тўғри. Қолаверса,

ҳарбий журналистикани аънавий журналистикадан айро тасаввур қилиб бўлмайди. Шу мантиққа асосланган бўлсак, 8 аср тарихидан ахборот берувчи, Мўғулистоннинг Баин Цокто манзилидан топилган Тунюкқ битигини ҳарбий журналистиканинг ҳам илк ёдгорликларига қаторига киритиш мумкин.

Маълумки, мазкур манба турк хоқони Элтаришнинг саркардаси Тунюкққа бағишланиб, 712 – 716 йилларда битилган. Унда лашкарбоши фаолияти, юрт мудофааси ва бошқарувида тутган ўрни ҳикоя қилинади. Ёки ўн учинчи аср бизга уруш, жангу жадалларда хоразмшоҳ Жалолиддин Мангуберди билан ёнма-ён юриб, воқеалар тафсилотини ёзиб борган муншийси ан-Насавий ҳақида маълумот берадиган экан, уни буюк саркарданинг матбуот котиби, ҳарбий журналисти дейишга маънавий ҳаққимиз бор. Мўйсафид тарих бизга Амир Темур ҳарбий фаолиятига оид барча муҳим воқеалар бахшилар томонидан туркий тилда битилганидан хабар беради. Бобурнинг ёнида жангу жадалларга гувоҳ бўлган, у ҳақдаги қимматли маълумотларни ёзиб қолдирган Мирзо Муҳаммад Хайдарнинг фаолияти ҳам ҳарбий журналистика тарихидан сўзлайди. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Нафақат қилич ва ханжар билан, балки жасоратли сўзи билан тарих битган боболардан ҳали кўп ҳикматларни ўрганишимиз лозим.

Кечаги ва бугунги кундан хулоса ясар эканмиз, Президентимиз Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, ҳаётга доимо сергак кўз билан қарайдиган, халқ ва Ватан манфаатини ҳамма нарсадан устун кўядиган матбуот ходимлари, шу жумладан ҳарбий журналистлар ўзини ах-

борот майдонида ҳар куни, ҳар дақиқа курашни сифатида ҳис қилиши талаб этилади.

Мустақил Ўзбекистон ҳарбий журналистикаси ривож «Ватанпарвар» газетаси билан боғлиқ. Мудофаа вазирлигининг марказий матбуот органи «Ватанпарвар» газетаси 1992 йилда Ўзбекистон Республикаси мудофаа ишлари бўйича вазири – Миллий гвардия қўмондонининг 1992 йил 19 июндаги 81-сонли буйруғига биноан ташкил этилган. Яъни мил-



Суратлар тахририят архивидан олинди.

лий армиямизга асос солинган йилда ҳарбий журналистикамиз ҳам янги тарихимизга саҳифа битди. Газетанинг дастлабки сони 1992 йил 24 июнда чоп этилди.

28 йил давомида тахририят шонли ижодий йўлни босиб ўтди. Бу ҳақда, яхшиси, ҳарбий журналистлар жамоаси томонидан амалга оширилган айрим муҳим ишлар «сўз» очсин.

Ортада қолган даврга «Ватанпарвар» Бирлашган тахририяти ходимларининг 1 нафари «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист», 1 нафари «Жасорат» медали, 7 нафари «Шўхрат» медали билан тақдирланди.



Табрик

ЧИНАКАМ ВАТАНПАРВАРЛАР МИНБАРИ



Шерзодхон ҚУДРАТХЎЖАЕВ,
Ўзбекистон Журналистика ва оммавий коммуникациялар
университети ректори,
Халқаро пресс-клуб раиси

«Vatanparvar» gazetasi yurtimiz ёшларини ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, улар ўртасида ҳарбий хизматга қизиқишни янада ошириш, миллий армиямиз қудрати, Ватан ҳимоячиларининг жасоратини холисона ёритишда алоҳида ўрин тутди. Нашр номидаги «Ватан» сўзи эса шу муқаддас юртга нисбатан қалбимиздаги эҳтиром туйғусини янада кучайтириб, мамлакатимизнинг ҳар бир қарич ерини авайлаб-асрашга бурчдор эканимизни эслатиб туради.


Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони Шавкат Мирзиёев ислохотларида бу икки соҳа, яъни давлатимиз ҳарбий салоҳиятини янада мустаҳкамлаш, мудофаа саноати ва ҳарбий таълимни ривожлантиришга, шунингдек, журналистикани янада юксак босқичга кўтаришга алоҳида эътибор қаратилаётганининг ўзиёқ ёшларда ҳарбий-ватанпарварлик руҳини армиямизга масаласида уларнинг ҳар бири муҳим аҳамиятга эга эканини исботлайди. Бинобарин, миллий армиямиз қудрати замонавий қурол-аслаҳалар билан эмас, жамиятни ҳар томонлама ривожлантирадиган

энг муҳим сафарбар кучга – ватанпарварликка эга инсонлар билан белгиланади.

Бугун ҳарбий журналистларга эҳтиёж катта. Чунки Ўзбекистон армияси дунё давлатлари рейтингда юқори ўринда туради. Университетимизда илк бор ҳарбий журналистика йўналиши бўйича тайёрланаётган мутахассислар келгусида ҳарбий соҳани ёритиш, кенг оммага ахборот беришдек масъулиятли ишда таҳририятга камарбаста бўлишлари аниқ.

Бизнинг университетни яқин келажакда битирадиган бу илк қалдирғочлар ҳарбий мавзуга ихтисослашган журналистлар сифатида «Vatanparvar» gazetasi таҳририятига янги соҳа ижодий руҳ олиб кириб, унинг замон талаблари асосида шаклланишига хизмат қилади, дея ишонаман.

Ҳарбий мавзуларни таҳлилий ёритиш, ҳарбий хизматчилар фаолиятини профессионал тарзда акс эттириш борасида астойдил меҳнат қилаётган таҳририят жамоасини қутлуғ сана – «Vatanparvar» gazetasi ташкил этилганининг 28 йиллиги билан самимий муборакбод этаман.



2009 – 2019 йилларда Бирлашган таҳририят ходимлари 5 мартаба «Олтин қалам» халқаро танловида, шунингдек «Энг улуғ, энг азиз», «Ватан азиз, жасорат мангу», «Эътироф», «Йилнинг энг фаол журналисти» каби кўплаб республика танловларида ғолиб ва совриндор бўлган. Бу таҳририятда улкан ижодий мактаб шаклланишидан далолат.

«Ватанпарвар» Бирлашган таҳририяти 2009 – 2019 йилларда «Ватанпарвар» кутубхонаси сериясида «Буюк аجدодлардан мерос муқаддас Ватан», «Оила – ҳаёт гултожи», «Ахборот-психологик ҳуружлар ва таҳдидлар», «Ватан омон бўлсин», «Посбониман муқаддас юртнинг», «Қалқон қўшиғи» каби китобларни чоп этиб, қўшинларга тарқатган. Булар Ватан ҳимоячилари маънавиятини бойитиш йўлидаги эзгу ишлардан бир шингил, холос.

«Ватанпарвар» Бирлашган таҳририяти томонидан ҳарбий хизматчилар, уларнинг фарзандлари, ОАВ ходимлари ўртасида ўнлаб ижодий танловлар ўтказилгани улар дунёқарашининг шаклланишига хизмат қилди.

2014 йилнинг 20 ноябрида «Ўзбекистон армияси» журнали давлат рўйхатидан ўтказилиб, 2015 йилдан Бошлаб бирлашган таҳририят томонидан мунтазам чоп этиб келинмоқда. Демак, 24 саҳифали газета ёнига 60 саҳифада ранг-баранг ахборот берувчи журнал қўшилди. Бугун ҳар иккаласи-да ўз муштарийларига эга. «Ватанпарвар» Бирлашган таҳририяти мудофаа вазирининг 2019 йил 8 апрелдаги



директивасига мувофиқ, Мудофаа вазирлиги Ахборот ва оммавий коммуникациялар департаменти таркибига киритилгани ижодкорларда «жанговар сўз» айтиш масъулиятини янада оширяпти.

Глобал ахборот маконидаги бугунги талабдан келиб чиқиб, Бирлашган таҳририят газета ва журнал мазмун-моҳиятини, дизайнини янада такомиллаштириб бораётгани, жорий йил март ойидан ўз сайтини тамомила янгилагани ҳамда ижтимоий тармоқларда саҳифаларини шакллантираётгани муштарийларнинг, халқимизнинг мудофаа соҳасидаги ахборотларни сифатли ва ўз вақтида олишига замин яратмоқда.

«Ватанпарвар»нинг ҳар томонлама таъминланган, профессионал, замонавий талаб ва андазаларга жавоб берадиган Қуролли Кучла-

римизни барпо этиш, мамлакатимиз мустақиллиги, хавфсизлиги ва ҳудудий яхлитлигини таъминлаш, барқарор ва изчил демократик тараққиётимизнинг ишончли қафолати бўлган миллий армиямизни шакллантириш борасидаги устувор вазифалар ижросини ёритиш, ёшларни миллий истиқлол ғояларига садоқат, ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялашда беқиёс ўрни бор.

Бугун мамлакатимиз ҳарбий қудратини янада мустаҳкамлаш, мудофаа саноати ва ҳарбий таълимни ривожлантириш, қурол-аслаҳа ва ҳарбий техникаларни модернизация қилиш, ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш орқали қўшинларни бошқариш тизимини такомиллаштириш каби устувор мақсадлар миллий армиямиз шаклланишини янги бир

босқичга олиб чиқди. Ҳарбий журналистлар, шу жумладан, «Ватанпарвар» Бирлашган таҳририяти ижодий жамоаси ҳам соҳадаги ислохотлар моҳиятини чуқур таҳлил қилган ҳолда халқимизга етказиши, ёшларда ҳарбий-ватанпарварлик руҳини янада шакллантириши, бир сўз билан айтганда, миллий манфаатларимиз ҳимоясида мустаҳкам туриши талаб этилади. Бунинг учун айтадиган сўзимиз таъсирчан, кескир, танлаган позициямиз фаол бўлиши керак. Мен буни миллий манфаатларимизни ҳимоя қилиш иммунитетини, деган бўлардим.

Алижон САФАРОВ,
Ўзбекистон Журналистика ва
оммавий коммуникациялар
университети катта ўқитувчиси

КЕЛИНГ, КИТОБ ҲҚИЙМИЗ

ЮКСАК НАФОСАТ ВА МАНГУ ҲИҚМАТ ОБИДАСИ

Бу эътироф «Калила ва Димна» китобига ёзилган сўзбоши сарлавҳасидир. Бу ноёб ёдгорлик она тилимизга бир неча марта таржима қилинган. Бугун сизга тавсия қилаётганим захматқаш олима Суййима Ғаниеванинг таржимасида ўзбек китобхонларига тўхфа қилинган.

Олима мазкур китоб эркин таржима қилингани, айрим парчаларнинг мухтасар баёни берилгани, такрор ва қайтариқлар қисқартирилгани учун унга «Калила ва Димна»нинг академик наشري деб эмас, оммабоп наشري деб қараш лозимлигини таъкидлайди. «Калила ва Димна» узоқ вақтлардан бери ўзбек халқига маълум; унинг кўп ҳикматли сўзлари, ажойиб ҳикоялари ҳар хил йўллар билан халқ орасига ёйилиб, оғиздан-оғизга ўтиб келмоқда. Асарнинг ўзбек халқ ижоди ва ёзма адабиётига ҳам таъсири катта. Бунинг изларини машҳур адабий ёдгорликларимизда яққол кўришимиз мумкин. Асарнинг XIX асрда ўзбек тилида, тошбошмада уч дафъа нашр этилиши адабий-маънавий ҳаётимизда гоёт муҳим ҳодиса бўлди. Натижада, асар ўзбек халқининг ҳам мулкага айланиб кетди», деб ёзган эди Суййима Ғаниева.



бу шоҳ

Ривоятларда келтирилишича мазкур шоҳ асар қадим замонларда ҳинд филолусуф олимлари томонидан ёзилган, ҳинд фольклори асосида яратилган. Ҳиндистон энг қадимий маданият бешикларидан биридир. Манбаларда келтирилишича мелоддан уч минг йил аввал унда ерни сунъий сўғориш ишлари ривожланган, анҳорлар қазилган, заргарлик, тўқимачилик ривожланган, тиб, риёзиёт, илми нуҷум, кимё ҳикмат каби фанлар ривожланган, турли жанрларда бадиий адабиёт вужуддан келган. Жуда қадим замонларда яратилган ноёб ёдгорликлар бугунги кунга қадар етиб келган. Улар орасида дунё бўйлаб энг кўп тарқалгани «Калила ва Димна»дир.

Саргузашт фильмлар, саргузашт асарларда қаҳрамонлар мисли кўрилмаган хазиналар ортидан қувадилар. Олтинлар, олмослар... оламни бошқариш калитлари...

Хазина деганда, албатта, шулар хаёлдан ўтади. Аммо оламда қимматининг қиёси йўқ хазиналар ҳам бор-да! «Калила ва Димна» ана шундай қимматининг қиёси йўқ хазинадир!

Келинг, китоб ҳақида ортиқча тафсилотларни чеккага суриб, унинг ўзига мурожат қиламиз.

«Абдулҳасан Абдулла ибн Муқаффа (араб тилига чевирган таржимон) шундай нақл қилади: «...Бу китобнинг Ҳиндистондан Форс мамлакатига келтирилишининг сабаби шуки, Аллоҳ таоло қудратли, саодатли Ануширвон Кусро ибн Кубодни ақл нуридан ва адолат хазинасидан баҳраманд этган, ишбилармон, фавқуллода ғайратли қилиб яратган. У ўзининг бу хислатлари соясида илм ўрганиб, турли соҳада шундай камолот даражасига етганки, ундан аввалги шоҳларнинг ҳеч бири бунга эришолмаган.

Кунлардан бир кун унинг қулоғига қуйидаги хабар етиб келди: ҳинд хазинасида парранда, даррандалар, ваҳий ҳайвонлар тилидан ёзилган бир китоб бор эмиш; бу китоб саховат манбаи, илм-ҳикмат калити эмиш; у шоҳларга наф келтирганидек, халққа ҳам фойдали эмиш; бу китобнинг номи «Калила ва Димна» эмиш.

Ануширвон одил бу китобни қўлга киритиш нияти-

га тушди. У истеъодли, олим, фозил, форс ҳамда ҳинд тилларини яхши биладиган бир одам топишни ва бу муҳим ишга унга топширишни амр этди.

Анча ахтаришлардан сўнг юқорида айтилган хусусиятларга эга бўлган ва тиб илмида шўҳрат қозонган Барзуя отли ёш йигитни топдилар.

Ануширвон уни ёнига чақириб деди:

– Кўп мулоҳазалардан сўнг сенга жуда маъсулиятли ва муҳим бир иш топшириш қарорига келдик. Сенинг ақл-заковат, буюк истеъод эгаси эканлигинг, ишбилармонлигинг, ғайратли ва иродали эканлигинг бизга маълумдир. Ҳиндис-

тонда бир бебаҳо китоб бор, деб айтадилар. Биз ўша китобни келтириб, мамлакатимиздаги бошқа ҳинд китоблари қаторига қўйилишини истар эдик. Сафар тайёргарлигини кўриб, Ҳиндистонга азимат қил ва нима қилиб бўлса ҳам(!) ўша китобни олиб кел. Сенга етарли даражада пул ва мол-давлат берамиз. Уларни лозим бўлган ерда керагича харжлайсан. У ерда кўпроқ қолишга тўғри келса, сенга яна пул керак бўлиб қолса, ёз, юборамиз... Барзуя белгиланган кунни эллик хуржун динор(!) олиб сафарга чиқди. Бутун кўшин, саркардалар ва давлат арбоблари уни кузатиб қолдилар».

Барзуя зиммасига юклатилган бу маъсулиятли ва машаққатли вазифани қойилмақом қилиб удалади. Китоб гоёт қаттиқ ва ҳушёрлик билан қўриқланар эди. Ақл ва фаросат, тадбир ва ҳалимлик кучдан устун келди. Китобда ҳинд тилидан Барзуяга шундай таъриф берилади:

«Инсоннинг ақли саккиз нарсасда намоён бўлади: биринчи – назокатли ва мулоий муомалада; иккинчи – ўзи ким эканлигини билиб шунга риоя қилишда; учинчи – одил шоҳларга итоат этиб, уларнинг орзу-истакларини амалга оширишда; тўртинчи – ўз сирларини дўстга билдириш-билдирмасликни билишда; бешинчи – ўзининг ва бошқаларнинг сирини сақлашда; олтинчи – шоҳлар саройида эҳтиёт бўлиб, ширин тил билан сарой одамларини қўлга ола билишда; еттинчи – тилини тийиб, ортиқча сўзламасликда; саккизинчи – мажлисларда жим ўтиришни одат қилиб, сўралмаган нарсаларни айтмаслик ва пушаймонлик келтирадиган сўзларни тилга олишдан сақланашда.

Қимда бу саккиз хусусиятнинг ҳаммаси бор бўлса, у дўстларидан истаган нарсаларни ола билади ва орузсига ета олади. Бу хусусиятларнинг ҳаммаси сенда бордир».

Халқимизда «тил югуриги бошга» деган ҳикмат бор. Дейдиларки, бундай доно сўзлар минг йилда дунёга келар экан. Яна «Калила ва Димна»дан ўқиймиз:

«Бир кун Хитой, Ҳинд, Эрон ва Рум подшоҳлари бир ерга йиғилиб: «Ҳар биримиз шундай бир сўз айтмайликки, дунё тургунча турсин», деб шартлашибди. Хитой шоҳи дебди: «Мен айтган сўзимни қайтариб олишдан қўра, айтмаган сўзни оғиздан чиқармасликка ҳаракат қиламан». Ҳинд шоҳи дебди: «Мен ўз фойдасини кўлаб айтган сўзи зарар берган ва ўзини ҳалок қилган одамга ҳайрон қоламан». Эрон шоҳи дебди: «Оғзимдан чиқмаган сўзим – қулимдир, айтганим эса ҳожам». Рум шоҳи дебди: «Мен айтмаган сўзимдан ҳеч вақт пушаймон бўлмаганман, айтганимдан эса тез-тез пушаймон бўламан. Шоҳларнинг индамаслиги фойдасиз ва бемаъни сўхбатлардан қўра яхшидир. Инсон ҳар нарсадан кўпроқ ўз тили туфайли балога йўлиқадир».

Сўзимни ёлғиз қолган одам у қандай шароитда бўлса ҳам қўмақсизин ҳалок бўлиши муқаррарлиги ҳақидаги ҳикоят билан яқунламоқчиман.

«Бир тўрғай бир филнинг йўли устида ўзига яъ

Табрик ГУРИЛЛАГАН ЙИГИТДЕК



**Сирожиiddин САЙИД,
Ўзбекистон Ёзувчилар
уюшмаси раиси,
халқ шоири**

«Vatanparvar» бугун гуриллаган бир йигит ёшига етибди. Бошқача айтганда, йигитликнинг айнаи авж палласи бу ёш. Алломиш худди шу навқирон ёшида бутун элда доврүк қозонади.

Жанговар газетамизни мана шундай кучга тўлган айнаи навқиронлик ёши билан Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва барча адиб, шоирлар, эл-улус номидан муборақбод этамиз.

Ватан посбонларига!

Улуғ миллатга ўғлон, посбонлар,
Элу юрт тинчи, қўрган, посбонлар.
Улуғ ишдир Ватанни асрамоқлик,
Ватан кўз бўлса – мижгон, посбонлар.

Темурхон наслидирсиз, сизга мерос
Азалдин шу томир, қон, посбонлар.
Матонат – ору номус ҳам гурурдир,
Бу – оқ сут бирла ҳам жон, посбонлар.

Бу мардлик ибратингиз, сизга бермиш
Ки, Олий Бош Қўмондон, посбонлар.
Ватан номи билан айлаб қасамё,
Турибсиз марди майдон, посбонлар.

Жахон холи эмас хавфу хатардин,
Диёру ёрга қалқон, посбонлар.
Тўкиб юлдузларини елкангизга,
Эгилсин сизга осмон, посбонлар.

Қўкаргай хурлигу тинчлик билан эл,
Замону давру даврон, посбонлар.

қуриб, тухум босди. Фил шу сўқмоқдан сув ичишга борар экан. Фил сув ичишга кетаётганида уяни топтаб, тухумни эзиб ўтиб кетди. Тўрғай бу бадбахтлиқни кўриб, дарҳол, бу филнинг иши эканлигини англади. Учиб бориб филнинг бошига қўнди ва деди:

– Шоҳим! Сен нима учун тухумларимни пачақлаб, болаларимни ҳалок этдинг? Ўзингга нисбатан мени эаиф, кучсиз ва нотавон деб санаганинг учун шундай қилдингми?

– Ха, ёлғиз шунинг учун, – деди фил.
Тўрғай бунни эшитгач, учиб қушлар ёнига борди ва бошига тушган фалокатларни айтиб берди.

Қушлар: – Биз филни нима ҳам қила олардик? Биз кучсиз паррандалармиз, – дедилар.

Тўрғай уларга деди: «Илтимос этаман, сиз мен билан бориб филнинг қўшини чўқиб кўр қилинг. Унинг бошига мен ҳам кўру иш солишни биламан». Улар рўзи бўлдилар. Тўрғай билан учиб бориб, филнинг кўзини ўйиб-ўйиб ташладилар. Шундан кейин фил на сув ичиш, на бир овқат топиб ейишнинг иложини қила олди. Турган жойида нима топса, шу билан кифояланиб кун кечирадиган бўлди. Тўрғай бунни кўргач, аламга чидалмай, ҳовуз ёқасига келиб қурбақаларга фил устидан шикоят қилди. Улар:

«Биз кучли филга қарши нима ҳам қила олардик?» дедилар. Тўрғай айтди: «Сиз фил турган жойга яқин бўлган бир чуқурнинг четига бориб, ўша ерда баланд овоз билан вақир-вуқур қилсангиз, фил сизнинг овозингизни эшитиб, у ерда сув бор экан, деб ёнингизга боради-да, чуқурга кулаб кетади». Қурбақалар бунга рози бўлдилар. Чуқур четига бориб вақирлай бошладилар. Сувсизликдан қийналган фил қурбақаларнинг овозини эшитиб, улар томон йўл олди ва чуқурга йиқилиб ҳалок бўлди. Тўрғай эса учиб бориб унинг бошига қўнди ва қанот қоқиб деди: «Эй, ўз кучига ишониб, менга ҳақорат кўзи билан боққан зулмкор! Жуссам кичкина бўлса-да, зўр ақл эгаси эканлигини кўрсатдим, сенинг бўйинг дароз бўлса-да, ақлинг қисқа экан, хўш, энди нима дейсан?!»

Дўстлар, бу китоб сўхбатларнинг қаймоғи, кўнгилнинг мулкис, ақлнинг чирогидир. Уни фарзандларингиз билан ўқинг, мағзини қақиб беринг.

Инобат ИБРОҲИМОВА, «Vatanparvar»

САХОВАТ МАНЗИЛИ

«ЖАЙХУН ЖАҒАСЫНДА ӨСКЕН БАЙТЕРЕК»

(иккинчи мақола)

«Кемалар қабристонидан» хаёл суриб ўтирибман, денгиз барибир хайбатини йўқотмаган экан. Бир вақтлар Оролга сиғмаган баҳайбат кемалар ҳозир ҳорғин, чарчаган, ўз ўлимини кутаётган кекса киши каби мунғайиб қолишига қарамасдан сахрога ўзгача кўрк бериб турибди.

САХРОНИ ЕНГАН

МАРДЛАР

Мовий осмон акси кўринган денгиз узра турли-туман қушлар учиб юрибди. Оққушларга қаранг: бир-бирига мастона бўлиб гўё муҳаббат рақсини ижро этмоқда. Олисдан қармоғини кўлга олиб, пешонасидаги терларини артаётган балиқчи бобо кўринди, ёнида ўн-ўн беш нафар болакай эргашиб, балиқларни сихда кўтариб келишмоқда. Кемаларнинг шовқинидан, буғ чиқараётган овозларидан ёнимдаги йўлдошимнинг овози эшитилмаяпти ҳам.



Теварак гўзал, бир томон охири кўринмас денгиз, бир томонда икки қатор тизилган заводлар, қора-қалпоқнинг қора уйлари...

Тун. Мўйноқ осмонида юлдузлар чарақлайди. Юлдузларнинг бу қадар ёрқин, йирик порлаб туриши мени ҳайратга солади. Ҳализамон қуёш тепага кўтарилди, бутун Оролни нурга белади. Осмонда эса оққушлар учди... Бу чексиз саҳрода не-не азаматларимиз туғилган, яшаган, қаҳрамонлик кўрсатган. Мен уларни саҳрони енган мардлар, дегим келади. Эр-назар Алакўз, Айдос бий, Маман бий, Аллаяров Досназаров ва Алланияз Ўтениязов сингари инсонлар қорақалпоқнинг бирдам, эл бўлишида хизматлари бекиёс.

Газетамизнинг ўтган сонидан эълон қилинган мақолада Алланияз Ўтениязовнинг ёрдамга муҳтож 44 оилага уй, овул болалари учун 2 та мактаб, 2 та акушерлик пункти, 2 та болалар боғчаси ва битта кутубхонани яққа ўзи қуриб бергани ва бу ишлари учун бир сўм ҳам ҳақ олмагани ҳақида ёзган эдик. Қаҳрамонимизга ўқувчиларимизнинг қизиқиши ортиб, ижтимоий тармоқлардаги саҳифаларимизга кўплаб хатлар келди. Улар ичидан: «Алланияз Ўтениязов бой киши бўлганми?» деган савол эътиборимни тортди (мақолада унинг ижтимоий турмуши ҳақида гапирмагандик). Йўқ, Алланияз ота шунча кишига уй қуриб берган бўлса-да, аммо ўзига уй қурмаган. Ииллар ўтиб у қилган ишлар юзага чиққанида, кўпчилик унинг уйини кўришга қизиқади. Ҳайратланарлиси, Ўтениязовнинг уйи жуда оғир аҳволда, таъмирталаб бўлган. Бу ҳақда унинг аёли Расбеке опа шундай эслади: «У киши бир гапни кўп айтарди. Бир кун келиб ўзимизга ҳам қиройли уй қураман. Аммо кўрйасан-ку, қанчадан-қанча уйсиз, бошпанасизлар бор. Худого шукр, эски бўлса-да уйимиз бор». Ҳа, Алланияз Ўтениязов шундай соддадил, хотамтой киши эди...

ОТАНИНГ ВАСИЯТИ

Аргентиналик миллионер Сапун Алланияз отага йўллаган мактубида: Мен ҳам хайр-саховатли бўлишга бел боғладим. Менинг сизга учта саволим бор. Шунга жавоб беришингизни илтимос қиламан:

1. Бу ишларни ўз хоҳишингиз билан амалга оширасизми ёки биров ишла, деб айтадими?
 2. Сизда қандай куч бор?
 3. Сизнинг мотиваторингиз ким?
- Чиндан ҳам бунчалик куч ва ғайратнинг бир кишида мужассам бўлиши барчага қизик. Умрини саховатпешаликка бағишлашига ким тўртки бўлди экан?

Алланияз Ўтениязовнинг отаси 1943 йили Иккинчи жаҳон урушида Курск ёнидаги жангда ҳалок бўлган. Унинг ўлимидан олдин оиласига йўллаган мактубида шундай сўзлар бор эди: «Айтишларича, кўплаб болаларни Ўзбекистонга эвакуация қилишаётган экан. Агар қишлоққа ҳам бориб қолишса, уй-жой қуриб бeringлар...» Алланияз отасининг васиятини бажарди. У ҳаётини болалар тарбиясига бағишлади, етимларни уйига олиб келди, уй қуриб берди. Урушдан кейин етим болалар шунчалик кўп эдики, муаллим улар учун 2 та меҳрибонлик уйини қурди. «Бу болакайларнинг кўзига қараш мен учун ҳар доим оғир. Остонада пайдо бўлишинг билан, гур этиб олдингга югуриб келишади, қучоқлаб олишади», деганди у 1988 йилда берган интервьюларининг бирида.

ТОПҚИР ДЕҲҚОН

Алланияз Ўтениязов биронта кимёвий ўғит қўлламасдан маккажўхорини 5-6 метргача ўстирган, ҳар донасидан мўл ҳосил олган. Бу бутун иттифокдаги рекорд кўрсаткич эди. Унинг довуғи Республиканинг ўша пайтдаги раҳбари Шароф Рашидовнинг қўлоғига ҳам этиб борган. Маккажўхорини кўриш учун Москвадан, Тошкентдан мухбирлар тез-тез келиб турарди. Улар қурилган уйларни, даладарни суратга оларди.

Бир куни далага Шароф Рашидов келади ва маккани кўриб, Алланияздан «бунга қанча азот берасиз?», деб сўрайди:

– Азот топиш қийин, мол гўнги бераман. Анави чуқурни гўнг билан тўлдираман. Шаҳардаги саночистка машиналари гўнгни қумларга олиб бориб тўкмоқда, шулар билан келишиб чуқурнинг ичини тўлдириб, устидан маккага сув қочираман. Қарабарақ деган ўсимлик шўр ерда ўсади. Чуқурга шуни ташлайман. У гўнгни тезда чиритиб, кўпиртириб чиқаради. Бунинг таркибида азот ва калий тузлари бор. Ота-бобола-

Табрик

ХАЛЫҚИМЫЗДЫҢ БАЙРАМИ



Кеңесбай КАРИМОВ,
Өзбекистан ҳам Қарақалпақстан
халық шайыры, Қарақалпақстан
Жазыўшылар аўқамы баслығы



Армия ҳам халық ортасындағы көпир болған газета быйыл 28 жыллығын байрамламақта. Ғарезсиз Өзбекистанның әскерий турмысы, ўатан қорғаўшыларының мәртлиги, тараўдағы ең соңғы жаңалықлар, миллий армиямыз қудретин жарытыўда газетаның орны айрықша.

Өзбекистан армиясы жаҳан мәмлекетлери ортасында жетекши орында турады. Әлбетте, бунда газетаның хизметлери шексиз. «Vatanparvar» газетасы тек ғана әскерий өмир менен шекленбей, газета бетлеринде соңғы жылларда социал турмысқа байланысли мақалаларды оқыўымызга болады. Бул газета хизметкерлерининг салмақлы мийнети.

Әсиресе, Екинши Жаҳан урысындағы Қарақалпақстанлы қаҳраманларымыз ҳаққында мақалалар берип барылды. Мен буларды суйип оқыдым ҳам бизге таныс болмаған, урыс майданында мәртлерше дунядан өткен батырларымыз бенен жақыннан таныстым.

Газетаның байрамы биринши нәўбетте халықымыздың байрамы. Газетадағы мийнеткеш касиплеримизге терең денсаўлик, ийгиликли жұмысларда табыс тилеп, оларды байрам менен шын жүректен қутлықлайман.

римиз совун бўлмаган замонда кийимларни шу ўсимликнинг сувиға ювган, – деганда Шароф Рашидов лол қолиб, жуда миннатдор бўлади.

– Онангга салом берайлик. Уйингни кўрсат, – дейди Шароф Рашидов.

– Уйим шу овулда, таъмирталаб. Қўлим тегмаяпти... – дейди Алланияз.

Сўнг Шароф Рашидов уйига бориб, онасига салом беради.

– Бу йигит уйига қарамас экан. Бошқаларга уй қуриб юриб, ўз уйига вақти бўлмас экан, унда Ўтениязовга ўзинг уй қуриб бергин, – деб ўша пайтдаги Қорақалпоғистон обкомининг биринчи котиби Қаллибек Камаловга топшириқ беради.

ГОЛЛИВУДА КИНО ОЛИНАЖАК

Ўтениязов оддий ўқитувчи, аммо унинг қилган ишларини дoston қилиб ёзса арзигулик. Алланияз Ўтениязов «Ўзбекистон Қаҳрамони» юксак давлат мукофоти ва «Ўзбекистон селекционерни» ва «Меҳнат шухрати» ордени эгаси, у ҳақида бир неча китоблар ёзилган, 3 та ҳужжатли фильм суратга олинган. Ўзбекистоннинг энг кучли меҳнат чемпиони 10 талигига, тенгсиз ишлари халқаро майдонда ҳам эътироф этилиб, Гиннесснинг рекордлар китобига киритилган.

Газетамиз ўқувчилари учун ҳеч қаерда эълон қилинмаган бир янгиликни очамиз. Яқин кунларда Голливудда у ҳақида кино олинажак. Ҳозирда Алланияз Ўтениязов феномени ўрганиляпти. Бу ишга энг яхши таржимон ва ёзувчилар жалб этилган.

Ҳа, Қорақалпоғистоннинг олис овулларидан бирида қилинган саховатпешалик океан ортини ҳам забт этмоқда...

Айжамал ЖОЛДАСБАЕВА,
«Vatanparvar»

Бобомнинг ўғитлари

Мақтабимизда устозлар бошчилигида уруш қатнашчиларининг уйига тез-тез бориб турардик. Қизлар уй юмушларини бажарса, йигитлар ер ағдаришарди, баҳор пайти бўлса кўчатлар экардик. Арслонбой ота биз, болаларга бош бўлиб турарди. Ора-сирада «Кўчатнинг шохини қайирманглар. Сув исроф бўлмасин!», «Ҳа, уруш кўрмагурлар!» деб қойиб қўярди.

Нега ҳамма уруш кўрган болалар шунақа бўлишади. Ҳали уни қилма, ҳали бу исроф бўлади. Кўчатнинг ҳам жони оғирканми? Бу гулламас бошқа олаверамиз-да. Кўчатдан кўп нарса борми қишлоқда. Шунга шунчани? – деди бир гал синфдошимиз Диёрбек. Унинг гапини Арслонбой ота ҳам эшитди, лекин чуқур хўрсинди-ю, индамади.

Синфдошим ноҳиоиз гапирганини ҳис қилиб уялиб кетди. Бирдан хаёлимда бобом гавдаланди. Бобом ҳам кўп насихатлар қиларди. Арслонбой отадай ҳаётий воқеалардан айтиб берарди. Масалан, жангга кетган сафдошларининг қатори сийрақлашаётгани ва яна қанча дахшатли воқеалар. Уруш давридаги қаҳатчилик...

Ҳар гал бобомдан урушда кўрсатган қаҳрамонлигини ҳақида гапиринг, дейишимиз билан кўпроқ бошқаларнинг меҳнати ҳақида сўзлаб берарди. «Қўшнимиз Эшонқул бобонглар бор-ку, ўша душман аскарларининг

кўпининг жонини олган. Бўш вақтларинг бўлса, ҳолидан хабар олинглар. Улар ҳам ғанимат, тинчлигимиз учун кўп заҳмат чеккан, барака топкур...» дердилар овози товляниб.

Унинг бошқалар ҳақидаги фикрини эшитиб, бобом қаҳрамон эмасми? Қаҳрамон бўлса, нега бирор марта ўзидан фахрланмаган? Мен эса мақтабимизда қаҳрамоннинг набирасиман, деб кўкрак кериб юраман-ку, деган хаёллар ўтарди. Мақтабимиздагилар ҳам бобомни макташди-ку, у ҳақда бирор марта ёмон гапиришмаган. Ғалаба кўнига бағишланган тадбирларда ҳам давра тўрига ўтказишади. Мана шундай тadbирларнинг бирида устозларимиз сўз навбатини бобомга беришди. Бирор янгилик айтармикан десам, доимгидек уруш вақтида қишлоқда эркаклар камлигини, ҳосилни етиштириш учун гектар-гектар ерларни сўғориш аёлларнинг зиммасига юклангани, бувим ва қишлоқ аёллари ёш жони

билан ҳам бола, ҳам даланинг ишларига улгуришини мактаб-мақтаб гапирди. Сўнг Арслонбой отага ўхшаб «Уруш кўрманглар, илоҳим. Сизлардан ягона илтимосим, юртимизни, бир-биримизни асрайлик!» деб сўзини якунлади ва яна жойига бориб жим ўтирди.

Мана, орадан йиллар ўтди, мактабни ҳам тамомладик. Бобом ҳам қазо қилди. Уйласам, унинг сукутида бир олам сўз, кўзларида қанча маъно бор экан. Тинчликни таъминлаш учун қилган хизматларини миннат бўлмасин, деб айтмаган. Кейинчалик қаҳрамонликлари ҳақидаги ҳақиқатни қишлоқдошларимдан эшитдим.

Овқатланишидан аввал мол-қўйларга ем бериб келиб, кейин ўзи овқатланар эди. Ҳар бир ҳаракати билан бошқаларга ўрнак бўлганини ёшим улғайгач, ҳис қилиб боряпман. Уруш бобомга нафақат одамларни, балки ҳамма жонзотларга меҳрли бўлишни, кадрлашни ўргатган эдики, чумолига ҳам озор бермаган.

Бугун бобом билан бирга экан кўчатларимиз ҳосилга кирган. Бу боғларда кезар эканман, бобомнинг ўғитлари қўлоғим остида жананглаб тураверди: «Уруш кўрмагурлар!» Илоҳим бобом айтгандек, уруш кўрмайлик. Бизга ҳам у кишидек боғ қолдириш насиб этсин!

Шоҳсанам НИШОНОВА

ЖАНГЧИГА АЙЛАНГАН ШОИР


Иккинчи жаҳон уруши қорақалпоқ халқи учун ҳам оғир кечди. Манбаларда бу суронли даврда Қорақалпоғистоннинг аҳолиси 456 минг киши бўлиб, урушга 66 мингдан ортиқ сафарбар этилган. 1941 йили фронтда қорақалпоғистонлик 4 300 га яқин азаматлардан иборат 97-қорақалпоқ ўқчилар бригадаси ташкил қилинади. Бу бригаданинг батальонлари Москва ва Сталинград учун бўлган жангларда қаҳрамонлик кўрсатади.

1941 – 1945 йилларда қорақалпоғистонлик жангчиларнинг 20 нафари «Совет Иттифоқи Қаҳрамони», 6 нафари «Жасорат», 5 мингга яқини «Қизил Юлдуз» ва 20 мингдан ортиқ киши бошқа турдаги орден ва медаллар билан тақдирланган.

Бу қиргин-барот урушда халқ таниган, ижодини қадрлаган бир қатор адибларимиз ҳам қатнашди. Шоирлар ҳам қалам, ҳам қурол билан жангга отланди. Улардан бири қорақалпоғистонлик Байнияз Қаипназаров эди.

1916 йил 25 августда Чимбой туманида чўпон оиласида туғилган Байнияз болалигидан мусиқа, адабиётга ошно бўлди. 1940 йилда илк шеърлар тўплами нашрдан чиқади. 1941 йилда ёш шоир фашист босқинчиларига қарши урушга отланади. Унинг ҳаётида уруш йиллари синов мактаби бўлди. 1942 йил Днепр дарёси бўйидаги жангда жангчилик маҳоратини ҳам кўрсатди. Қаҳрамонлиги учун «Шон-шараф» ордени билан тақдирланди. Шоир бу ҳақда эсланиди: «Шоирлар гўзалликни севади. Табиатнинг ҳар бир нуқтаси, ҳар бир тирик жон унга илҳом беради. Бундай қалб учун энг оғири, кишининг кўзига қараб ўқ узишдир. Афсус... Аммо урушнинг ўз қондалари ҳам бор экан!», дейди надомат билан.

У 1944 йили оғир яраланди. Командир унга она Ватанига қайтиши учун рухсат берди. Аммо



Шоирнинг ижоди сермахсул ва кенг қўламли. Унинг шеърларида ранг-баранглик, фалсафийлик, теранлик, туйғулар тиниқлиги ярқираб туради. Шоир сўзни чуқур ҳис этади, бу хисга ўқувчини ҳам ҳамроҳ қилади.

Байнияз Қаипназаров 1951 йилгача Қорақал-

поғистон Республикаси радио ва нашриёти бўлими мудири, Адабиёт институтини тугатганидан сўнг «Амударё» журналида бўлим бошлиғи бўлиб ишлади. Байнияз Қаипназаров 30 га яқин шеърли тўпламлар муаллифи. «Жасыл емен» дostonи қорақалпоқ шеърлятида катта қадам бўлди. Байнияз оғага 1976 йили «Қорақалпоғистон халқ шоири» унвони берилди.

Айжамал ЖОЛДАСБАЕВА, «Vatanparvar»

Кок емен

(баллада)

Қырк үшінши жыл, Жаўынлы гүз,
Ўтан ушын саўашта жүрмиз,
Ызылдаган отлар ишинде
Үш жаз өтті. Тағы келди гүз.

Шинельер суў журдик илгери,
Өлимди де писент кылмадык.
Баскыншылар хужимге өтті,
Биз де аттык. Аттық тынбадык.

Окка ушқан өликлерине,
Карамастан басып келеди,
Өлмегини шегинер емес,
Бар куралдан атып келеди.

Табрик

НАВҚИРОН ГАЗЕТА,
НАВҚИРОН ЁШИНГ БИЛАН!



Кўчқор НОРҚОБИЛ
ёзувчи, драматург,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган
журналист



Йигирма саккиз йил. Бу орада нималар ўзгармади дейсиз, вақт деган олий ҳакам ҳаммасини саралаб олаверар экан. Йилларнинг аёвсиз синовларида фақат асл меҳнатлар, изланишларнинг қадри ошиб бораверади.

«Vatanparvar» газетасининг таваллуд тўйи мен учун жуда қадрли. Бу нашрни алоҳида ҳурмат қиламан. Чунки ҳарбий мафкура минбари бўлган газетанинг зиммасидаги маъсулият бошқаларга қараганда ўн чандон оғирроқ бўлади.

Дейлик, газета ташкил этилган кунда туғилган йигит навқирон ёшда. У жамиятда ўз ўрнини топиб, дадил сўзлай олади. «Vatanparvar» ҳам ўғлон газета сифатида элнинг дардларини елкасига олиб, муштарийларни ахборот истеъмоли билан таъминлаб келмоқда.

Чиниққан, кўксига қурол, эгнида ҳарбий либос билан она Ватан ҳимоясида турган ўғлоннинг руҳий куч-қудратини ошириш, қалбида юрт ва миллат тақдири учун қайғуриш ҳиссини янада олов олдириш йўлида «Vatanparvar» мана, 28 йилдирки бу вазифани сидқидилдан бажариб келмоқда. «Vatanparvar»ни мен республикамиз нашрлари ичида ҳеч қачон толмайдиган, чарчамайдиган, ҳаммиша ёш ва навқирон ҳолда тасаввур қиламан, менинг назаримда бу нашр «газеталарнинг аскар», яъни «армия кўрган» нашр. Демак, армия кўрган – тарбия кўрган газета!

«Vatanparvar», кадрдоним! Доимо аскар ва офицерларнинг ҳамроҳи, Ватан зирҳларининг юрагига яқин ён чўнтагида бўл! Ҳарбий машғулотлардан тортиб барча жанговар топширикларни қойилмақом қилиб бажараётган йигит-қизларимизнинг қалбида акс-садо бериб тур! Сен бугун ўзбек армиясининг мафкура минбарисан. Ҳар бир аскарнинг, Ватан ҳимоячисининг ботиний иродаси ва шахту шиддати юксалишида Сенинг хизматларинг бекиёс.

Таваллуд айёминг муборак бўлсин!

поғистон Республикаси радио ва нашриёти бўлими мудири, Адабиёт институтини тугатганидан сўнг «Амударё» журналида бўлим бошлиғи бўлиб ишлади.

Байнияз Қаипназаров 30 га яқин шеърли тўпламлар муаллифи. «Жасыл емен» дostonи қорақалпоқ шеърлятида катта қадам бўлди. Байнияз оғага 1976 йили «Қорақалпоғистон халқ шоири» унвони берилди.

Айжамал ЖОЛДАСБАЕВА, «Vatanparvar»

Ғазал пенен қарап душпанга,
Кекли солдаттай тур көк емен,
Шакаларын шырпысада ок,
Тип-тик, каддин иймейди төмен!

Терең урып тамырын беккем,
Өскен ұллы славян жеринде,
Шыдамлылык бойына сиңген,
Таң қалғандай күш бар озинде.

Бийик бойын көкке көтерип,
Жениске исенип турды ол,
Жаўындай жаўған оқтың астында,
Қайтпай турдым көк емендей сол.

ТИЛГА ЭЪТИБОР – ЭЛГА ЭЪТИБОР

РЕКЛАМАДАГИ ЖОЗИБАДОРЛИКНИНГ СИРИ НИМАДА?



Реклама ижтимоий ҳаётимизнинг барча жабҳаларини қамраб олгани етмаганидек, кундалик ҳаёт, урф-одат, мода, тижорат, савдо-сотик, сервис хизмат кўрсатиш каби соҳаларнинг таркибий қисмига айланиб бўлди. Газеталар, журналлар, телевидение кўрсатувлари ва ҳатто бадиий адабиётда ҳам реклама тилига анчагина ўрин берилмоқда. Ғарб мамлакатларида ўтказилган айрим социологик ўрганишлар натижасига кўра, одам ўртача ҳар куни 1 500 турли реклама ва эълонларга дуч келади ва улардан, фақат 70 тасигина ёки 4,7 фоизи унинг эътиборини тортади. Сабаби, инсоннинг беихтиёрли эътибори танлашга молик, инсон ўзини қизиқтирган ахборотнигина қабул қилади.

Юртимизда расмий давлат тили – ўзбек тилидир. Бугунги кунда юртимизда ўзбек тилида мулоқот қилувчиларнинг сони 28-29 миллиондан ортиқроқни ташкил қилмоқда. «Тил – миллат кўзгуси», «Тил – дил таржимони», «Тил – миллат ифтихори», «Тил – кўнгил изхори» каби мавзуларда ҳар куни соатлаб гапираётган бўлишимизга қарамасдан, муаммо ҳамон эски, долзарблигича қолмоқда.

Маълумотларга кўра, юртимиз бўйлаб бугунги кунда ўн мингдан ортиқ реклама конструкциялари ва баннерлари ўрнатилган бўлиб, уларнинг етти мингдан кўпроги пойтахтимиз – Тошкент шаҳри ҳисобига тўғри келади. Ачинарлики, шу реклама конструкциялари ва баннерларидаги ёзувларнинг 65 фоизи бошқа тилларда тарғибот қилинаётганидир. Узоқ-яқиндан келадиган меҳмонларнинг кўзи, аввало, уларга тушади, фарзандларимизнинг саводи кўча-кўйда кўрганлари асосда чархланиб боради. Лекин ҳеч биримиз нега бу ёзувлар давлат тилида эмас, деб сўрамаймиз.

«Ўзбекистон Республикасининг давлат тили тўғрисида»ги Қонунига кўра, географик ва бошқа топонимик объектлар, маданий мерос объектларининг номлари давлат тилида акс эттирилади (22-модда). Лавҳалар, эълонлар, нархномалар ва бошқа кўргазмалар ҳамда оғзаки ахборот матнлари давлат тилида расмийлаштирилиши ва эълон қилиниши ҳамда бошқа тилларда таржимаси берилиши (20-модда) мумкинлиги белгиланган. Корхоналарда ишлаб чиқариладиган маҳсулот давлат тилидаги ва бошқа тиллардаги ёриқлар, йўриқномалар, этикеткалар билан таъминланиши (21-модда) кўрсатилган.

Ҳар бир янги объект очилаётганда, хизмат кўрсатиш мажмуаси ёки шохобча ташкил этилаётганда бу тартиблар мутасадди ташкилот вакиллари томонидан тушунтирилишига қарамай, минг афсуски, қозғаларда қолиб кетмоқда.

Қонуннинг 20-моддасида лавҳалар, эълонлар, нархномалар ва бошқа кўргазмалар ҳамда оғзаки ахборот матнлари давлат тилида расмийлаштирилиши ва эълон қилиниши белгиланган бўлишига қарамасдан ҳар ким ўз билганидан

қолмаяпти. Юридик шахслар, хусусан, давлат идоралари мисолида айтадиган бўлсак, уларнинг номланишига оид лавҳалардаги ҳарфлар, ўлчамлар, ранглар, ашёлар, ўрнатмаларнинг турличалиги-ю давлат тилидагисидан ташқари рус ёки инглиз тилида қайтарилишининг гувоҳи бўлиб келмоқда. Нега бу қабиляр кўплаб ривожланган Ғарб ва Европа давлатларида ўз тилларида берилди-ю, бизда эса йўқ? Мисол учун, Нидерландиянинг Гаага шаҳрида (расмий тил нидерланд тили) инглиз тилида ёзилган бирор пешлава ёки жой номи кўрмасиз. Бизда-чи? Ҳатто автобус бекатларининг айримларида номи хатолик билан ёзилган, ажнабий тилларда рекламалар ёпиштирилган.

Ғарб тилларидан олинган рус тилида тузилаётган реклама матнларини ўзбекчалаштириш қоидага айланиб қолди. Бир мисол: «Мен Ўзбекистонни...», «Тошкентни...», «Самарқандни...», «Хивани... севаман» қабилидаги туйғуларимизни инглиз тилида ёзиб қўйсак, бир нима бўлади, деб фикр қилгандик. Хўш, нима ўзгарди? Жонажон Ўзбекистонимизнинг давлат тилига ҳурматимиз сал бўлса-да ошдимиз?

«I love Tashkent», «I love Samarkand», «I love Uzbekistan»... Қузатган бўлсангиз, охириги йиллар ичида мана шу «Ай лав»чилик роса урчиди. Энг ачинарлики, унинг кириб бормаган жойи қолмади. Унинг ўрнига «Гўзал пойтахтим!», «Кўҳна Самарқандим!», «Жон Ўзбекистоним!» каби қалбни уйғота олувчи соф ўзбекча сўзларни жойлаштира сак фойдадан холи бўлмасди. Тошкент шаҳрини «Мы открылись», «Место для вашей рекламы» қабиляр босиб ётибди. Баъзи кўчаларда ажнабий тилларда ёзиб қўйилган номларни ўқиб, ҳайрон қола-сиз. Мисол учун, «Beauty Salon», «La Femme», «La Perla Cosmetics», «Golden River», «Dark hall», «Majeur», «Schloss», «Elegant», «Creative Master», «Viva», «Savio», «Star Med Center», «Avisa Med Servis», «Salus Vita» ёки «Цветы», «Химчистка», «Техобслуживание», «Печати и штампы», «Цветная печать», «Распродажа», «Пригласительные», «Переплёт», «Ламинирование», «Визитки», «Учебный центр», «Языковые курсы», «Бизнес курсы», «Дошкольное

обучение» ...

Ҳамкорликда чет эл корхона ва муассасалари билан асос солинаётган, фалияти йўлга қўйилаётган қўшма корхоналар номини тушунса бўлар. Лекин каталакдек дўкону суратхоналарнинг чет тилларда номланиши ажабланарли.

Рекламанинг давлат ва жамият манфаатларига, ахлоқ ва маънавиятнинг умумэтироф этилган нормаларига, юридик ва жисмоний шахсларнинг ишчанлик обрўсига, атроф-муҳит ҳолатига таъминлаш ҳимоялаши таъминлаш, манфаатларимизни, ўз она тилимизни қонун билан тартибга солинишини қатъий назорат қилиш зарур. Бу борада Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 20 январдаги 34-сон қарори билан жорий этилган давлат бошқарув органлари, хўжалик бирлашмалари ҳамда тузилмалари раҳбарларининг маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш, давлат тили тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини таъминлаш масалалари бўйича маслаҳатчиси лавозимидаги мансабдор шахслардан соҳадати муаммоларни бартараф этиш бўйича энг шимариб ишлашлари талаб этилади.

Маҳаллий ишлаб чиқарувчилар миллий манфаатларимиздан келиб чиқиб, ўзларига хос миллий маҳсулот номларини дунё брендига айлантиришлари лозим. Бунга чора топилса, рекламалар дизайнидаги тарғибот суратлари ҳам ғарбона. Айрим рекламаларнинг мавзулари мазмунига мос келмайди. Унутмаслик зарур, реклама ҳам бир асар.

Шулардан хулоса қилиб, қуйидаги тақлифларни илгарй суришни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз:

биринчидан, Ўзбекистон Республикасининг «Реклама тўғрисида»ги қонунини қайта кўриб чиқиш ва уни янги таҳрирда қабул қилиш вақти келди; иккинчидан, оммавий-ахборот воситалари ҳамда ижтимоий тармоқларда беҳаёлик, зўравонлик ва шафқатсизликни тарғиб қилувчи маълумотлар (видео, аудио, матн, сурат) жойлаштирилган учун маъмурий ва жиноий жавобгарлик масаласини кўриб чиқиш талаб этилади;

Табрик

ЭНГ ЯҚИН КЎМАКЧИ



Полковник Ойбек ИСМОИЛОВ,
Мудофаа sanoati бўйича давлат
қўмитаси раиси



Очигини айтсам, ҳали ҳарбий хизматни бошламасдан аввал «Vatanparvar» газетаси менинг кадрдон нашрим бўлган. Йиллар ўтгани сари фаолиятимнинг узвий бир қисмига айланиб борди. Янгиликлар, қилинган ишлар сарҳисоби, тақлифларни кенг жамоатчиликка етказиш, уларнинг фикрларини ўрганишда бизнинг энг яқин кўмакчимиз.

Айниқса, ташкил этилганига унча кўп бўлмаган Мудофаа sanoati бўйича давлат қўмитасини элга танитишда, кенг кўламли ҳамкорликларни йўлга қўйишда таҳририят жамоасининг ҳиссаси катта. Ижодий жамоани газета ташкил этилганининг 28 йиллик қутлуғ санаси билан қутлайман. Халқ ишига камарбаста, фидойи журналистларимизнинг юзи ҳамиша ёруғ бўлсин!

учинчидан, барча шакл ва турдаги рекламаларнинг маълум бир ҳажмини маънавий ҳоҳият қамраб олишини қонун билан тасдиқлаш лозим бўлади; тўртинчидан, реклама тўғрисидаги қонун бузилиши ҳолатларини аниқлаш, уларни чеклаш ва таққиллаш учун маъсул идораларни белгилаш, тузилган ишчи гуруҳи таркибига тилшунос олимлар, соҳа мутахассислари ва давлат идораси раҳбарларининг маслаҳатчилари иштироки мажбурийлигини таъминлаш мақсадга мувофиқ бўлади;

бешинчидан, мулкчилик шаклидан қатъи назар, ҳар қандай ташкилотга тегишли лавҳалар давлат тилида битилишини таъминлаш баробарида уларнинг соҳа ва ихтисослик йўналишлари бўйича муайян шакл ва талабларни киритиш талаб этилади. Зеро, бу ҳаракатлар кундан-кунга чирой ва тароват очиб бораётган шахару кишлоқларимиздаги иншоотларни турли хил «хўснбузарлар» босиб кетишининг олдини олишга хизмат қилади;

олтинчидан, катта-катта реклама конструкцияларига жойланиб тарғиб қилинадиган реклама, эълонлар, лавҳалар ва ахборот берувчи бошқа матнларни давлат тилида ҳам акс эттирилишини маъсул мутасадди ташкилотлар томонидан қатъий назорат қилиб борилиши лозим бўлади. Зеро, юртимизга ташриф буюрган хориж делегацияси вакиллари, меҳмонлар ва сайёҳлар ҳар қадамда, ҳар лаҳзада Ўзбекистон Республикасига келганликларини, бу давлат ўз тилига нисбатан чексиз ҳурмат ва эҳтиромда эканлигини ўз юртига борганларида ҳам эслаб юрсинар.

Давлатимиз Президенти мухтарам Шавкат Мирзиёев таъбирлари билан айтилганидек, давлат тилига бўлган эътиборни мустақилликка бўлган эътибор деб, давлат тилига эҳтиром ва садоқати она Ватанга эҳтиром ва садоқат деб билиш, шундай қарашни ҳаёт қоида-сига айлантириш лозим.

Қаҳрамон КАМОЛОВ,
Мудофаа sanoati бўйича
давлат қўмитаси раисининг
маслаҳатчиси

ХАРБИЙ МАКТУБЛАР ТАРИХИ

75 ЙИЛ САҚЛАНГАН ТУҒЁН

Почта хатлари юз йиллик эмас, балки минг йиллик тарихга эга бўлиб, маълумот алмашиш зарурати туфайли юзага келган. Илк почта жўнатмалари тахминан 5000 йил аввал Месопотамияда пайдо бўлган бўлиб, фақат ҳарбий мақсадларда Миср ва Месопотамияда кенг тарқалган эди. Ўша даврда пиёда ёки отлик чопарлардан фойдаланиш оммавий тус олган.

Иккинчи жаҳон уруши даврида ҳам жанг майдонларидаги аскарларни оила аъзолари билан боғлаб туришчи ягона занжир бу фронтдан юборилган мактублар бўлган. Уруш пайтларида ўз почта рақамларига эга бўлган дала почта алоқаси фаолият юритган.

Учбурчак хатлар бир хил шаклда бўлиб, аскарларнинг жанговар руҳларини кўтариш ёки аксинча тушкунликка тушишларига сабаб бўлган. Шунинг учун ҳар бир, яъни фронтдан келган ва фронтга юбориладиган мактуб махсус текширувлардан ўтган. Хатлар нима учун айнан учбурчак шаклга эга бўлганлигининг сабабларидан бири бу назорат қилиш усули бўлиб, ҳарбий бўлинма мутахассислари барча ёзишмаларни текширувдан ўтказиб, аскарлар ҳарбий қисм жойлашуви ва шунга оид бошқа махфий маълумотларни ошкор қилмаётганлигига ишонч ҳосил қилар эдилар.

Ҳарбий мактублар, бу – ҳарбий дала почтасининг бир варақ шаклидаги мактуби бўлиб, иккига бўлинган ҳолда турбурчак конверт ўлчамига манзилга юбориладиган расмий ҳужжат бўлган.

Почта карточкалари, бу – очиқ хатлар. Ҳарбий мактублар ва почта карточкалари рангли тарзда, кўк, қизил ва оч сиеҳранга чоп этилган. Уларда жангчиларга ва фронт орти меҳнаткашларига нисбатан чақириқ шиорлари ҳамда мурожаатлар акс эттирилган. Бу эса ўз навбатида оммавий тарғиботнинг ўзига хос усули эди. Бундай мактублар жангчи ва партизанларнинг жанговар руҳини кўтариб, фронт орти меҳнаткашларини қўллаб-қувватлашга хизмат қилган.

Фронтдан келган хат нафақат уруш қатнашчисини оиласи билан боғловчи восита, балки баъзи жанглардаги алоҳида кечинмалар, ҳарбий тажрибалар, урушнинг миқёси, жанговар йўли акс этган тарихий ҳужжат ҳамдир. Фронтдан келган хатлар ҳозирги замонга келиб ҳам ўз аҳамияти ва муҳимлигини йўқотмаган, аксинча, ўзбек жангчилари тўғрисида муҳим маълумотларни ўз ичига олган қимматли ҳужжат сифатида авайлаб сақланади.

Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларининг ҳужжатлари, уларнинг жанггоҳлардан ёзган мактублари «Ғалаба боғи»да барпо этилган «Шон-шараф» музейининг урушдан келган мактублар махсус экспозициясидан муносиб жой эгаллаган. Фронтдан келган хатларга бефарқ бўлолмаймиз, чунки ҳар бирининг ортида бир инсон тақдири мужассам. Ушбу мактублар ҳозирги кунга қадар қўллаб оилаларда авайлаб сақланиб, келгуси авлодларга жасур ота-боболарининг хотирасини унутмаслик учун оилавий анъана сифатида топширилади.

Учбурчак, саргайган, ранги ўчган мактублар, Иккинчи жаҳон уруши даврида жангчилар тўғрисида хабар олиб келган, уларнинг қалб кечинмалари акс этган бу хатлар жуда узоқ ўтмишни хотирлашга ундайди.

«...Беомон жанггоҳда тўтдек тўкилаётган одамларни кўриб, она юртинг, кадрдонларнинг ёнига эсон-омон қайтиш умиди хомхаёлдек туюлади. Ахир ҳар дақиқа ўлимни бўйинингга олиб, бугун бўлмаса эртага деб яшаш азоб...»

уруш қатнашчисининг бу хотираларини эслаганда бугунги кунларимизга такрор-такрор шукрона келтирамиз. Осида ҳаётнинг қадри қанчалик улуғлигини, тинчликнинг нақадар муқаддас неъмат эканини яна бир бор ҳис этамиз.

Айниқса, уруш қатнашчисининг рафикаси, унаштирилган қизи ёки севгилисига ёзган, узоқ жанг майдонларидан келган севги хатлари жуда таъсирлидир. Шундай хатлардан бири эътиборимни тортди. Фронтдан юборилган хат мана 75 йилдирки, авайлаб-асраб олиб қўйилган. Шарм-ҳаё пардасига йўғрилган ўша замонда «Эсдалик учун...» деган ёзувлари бор сурат илова қилинган бу хат урушга жўнатилган жангчи томонидан севгилисига юборилган бўлиб, унда не-не умидлар, ўз она қишлоғига соғомон қайтиш истаги мужассам. Бироқ дийдор кўришиш насиб этмади, хат етиб келганидан қирқ кун ўтгач, йигит жанг майдонида қахрамонларча халок бўлади.

Оила аъзоларига «қорахат» келади. Бундан бутун қишлоқ аҳли хабар топади. Қалбида севги ўққуни аланга олган ёш қизнинг аҳолини тушуниш мушкул. Ахир севгилисининг сиймоси кўз ўнгидан асло кетмас, «Мен албатта, қайтаман» деган нигоҳи хотирасида мангу муҳранганди.

Бухоро вилояти Ғиждувон шахрида истиқомат қиладиган Ҳадича ая ўғлини фронтга қузатгач, ўша замоннинг «Ўзинг ва фронтга кетган турмуш ўртоғинг учун икки-уч қарра кўп меҳнат қил» шиори остида машаққат билан фидокорона меҳнат қилаётган пайт, фронтга кетган ўғли Баҳром Комиловдан «қорахат» олади. Она фарзандининг совуқ танасини ҳам кўра олмади, кўнгли совимади, қалбининг бир бурчагида унинг тириклигига оналик хис туйғуси ила ишониб, илинж, умид билан яшаб, бор кучи, шижоатини меҳнатга бағишлади.

Фронтда «қорахат»ларни ҳам тасодиф, исм-шарифи бир хил қишилар ўртасида ва бошқа сабаблар билан нотўғри расмийлаштириш ҳолатлари ҳам учраб турган. Аслида «қорахат» нотўғри маълумот туфайли юборилгани мърд ўғлон ҳамон душман қаршида тик туриб, унга қарши аёвсиз кураш олиб бориб, ўша совуқ хабардан сўнг бир муддат ўтгач, жасур ўғлон соғ-омон урушдан қайтиб келганига оид маълумотлар ҳам бор.

Йиллар ўтгач, Ҳадича аянинг фидокорона меҳнати муносиб баҳоланади. У бир қатор мукофотлар билан тақдирланади. Онахонга тегишли бўлган медалъ ва гувоҳномалар музейнинг «Ўзбекистон – фронт учун ишончли таянч кўрғони» экспозицияларидан ўрин олган. Ҳадича аянинг фарзанди, Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси Баҳром Комиловга тегишли бўлган архив ҳужжатлари ва мукофотлар эса музейнинг иккинчи қаватида вилоятлар кесимидаги Бухоро вилояти витриналарида узоқ тарих хотираларини ўзида мужассам этган ҳолда сақланмоқда.

Контракт бўйича ҳарбий хизматчи, оддий аскар
Дилноза РАЖАБОВА

Табрик

ЎЗБЕКИСТОН АРМИЯСИНИНГ БОШ НАШРИ



Ҳусан ЭРМАТОВ,
«Ишонч» ва «Ишонч-Доверие»
газеталари бош муҳаррири



Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг нашри бўлмиш «Vatanparvar» газетасининг ташкил этилганига ҳам 28 йил тўлибди.


Маълумки, 1992 йил 24 июндан бошлаб газетанинг илк сони чоп этилган эди. Мантиқан олиб қаралса, мазкур санани Ўзбекистон ҳарбий матбуотига тамал тоши қўйилган кун, деб айтиш мумкин.

«Vatanparvar» мустақил Ўзбекистон армиясининг бош нашри сифатида мамлакатимиз Қуролли Кучларида амалга оширилаётган туб ислохотларни, профессионал, замонавий талаб ва андазаларга жавоб берадиган армиямизнинг мамлакатимиз мустақиллиги, хавфсизлиги ва ҳудудий яхлитлигини таъминлаш борасидаги кенг қамровли фаолиятини ёритиб келмоқда.

Бундан ташқари, газета ёшларни миллий истиқлол ғояларига садоқат, ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялашда ҳам муносиб ҳисса қўшиб келмоқдаки, бу таҳсинга лойик, албатта.

Шуни таъкидлаш керакки, газета таҳририяти жамоасининг фидокорона меҳнати ва хизмати давлатимиз томонидан эътиборга олиниб, эътирофга лойик қўрилган. Турли йилларда таҳририятнинг бир нафар ходими «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист» фахрий унвони, яна бир нафари «Жасорат» медали, етти нафари эса «Шухрат» медали билан тақдирлангани фикримизнинг исботидир.

Биз «Vatanparvar» газетаси жамоасини 28 йиллик сермахсул меҳнат фаолияти билан муборакбод этамиз! Уларга келгусидаги масъулиятли ва шарафли хизматида янада улкан зафарлар тилаймиз!



СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИ

«Бир гал «Ишга қатнагани велосипед олсаммикин?» десам, келинингиз унамади. «Йўғ-а, ярашмайди велосипедда юриш! Насиб қилса, машина оламиз!» деди. Нега энди велосипедда юриш ярашмас экан? Шунчаки кўзимиз ўрганмаганидан бу. Лекин велосипедда қатнаш учун ҳам ишхонамизда «велик» қўядиган жой йўқ-да, шунинг учун бу фикримдан қайтдим.

ВЕЛОСИПЕДНИ ҚАЙТАДАН КАШФ ЭТАМИЗ!

бу ғайриоддий ҳол эмас. «Уч савдойи» номли ҳинд киносини кўргандирсиз. Унда бутун бошли мактаб директорининг ишга велосипедда қатнаши тасвирланган кадр бор. Бу директорга ярашмайдиган иш эмас, балки одатий ҳол каби кўрсатилган. Ёки америкача турмуш тасвирланган «Форрестерни излаб» фильмида машҳур ёзувчининг катта йўлнинг ўрта-



этади. Моторли велосипедлар соатига 30–50 км тезлик билан ҳаракатланади. Спорт велосипедлари анча енгил бўлиб, тезлиги соатига 70 километргача боради. Ҳозирги кунда дунёнинг кўпгина минтақаларида асосан спортчилар ва сайёҳлар ҳайдовчи восита ўлароқ велосипедлардан фойдаланмоқда. Почтачилар, курьерлар велосипед орқали ўз ишларини амалга оширадilar. Турли маҳсулотларни харидорларга етказиб бериш каби ишларда велосипедлар асқатади.

Велосипеднинг ижтимоий аҳамиятини жамиятнинг уч соҳасида яққол кўриш мумкин: одамлар ва юкларни ташувчи транспорт воситаси, спорт машғулот техникаси, шунингдек, фойдали кўнгилочар машғулот воситаси. Бир қатор Европа мамлакатларида велотуризм учун шарт-шароитлар (велойўллар, велотурағоҳлар, велосипед ижараси ва ҳоказо) яратилган. Буюк Британияда эса газеталарни ўқувчиларга етказиб беришда велосипеддан унумли фойдаланиш аънаёнага айланган. Британия почтаси (Royal Mail) 1880 йилдан буён велосипеддан фойдаланиб келади. Буюк Британияда 37 000, Германияда 27 500, Венгрияда 10 500 нафар почтачи-велосипедчи хизмат кўрсатади. Кўпгина мамлакатларда полициячилар ҳам велосипедда хизмат вазибаларини ўтайдилар. Хусусан, Англиядаги Кент графлигида 1904 йилдаёқ вело-патруль хизмати йўлга қўйилган. Айрим мамлакатларда эса харидорларга тушлик етказиб бериш хизмати велосипедлар ёрдамида амалга оширилади. Лондон ва Таллин сингари автомобиллар тирбандлиги одатий ҳолга айланиб қолган йирик шаҳарларда «Тез ёрдам» ходимлари велосипедда ўз хизмат вазибаларини ўтайдилар. Бу уларнинг бемор манзилига вақтида етиб боришларида айна мудидадир.

Велосипед ҳозирги кунда Шимолий ва Ғарбий Европа мамла-

катларида кенг тарқалган. Энг «великсевар» давлат Даниядир. Бу ерда яшовчи киши бир йилда ўртача 893 километр масофани велосипедда босиб ўтади. Нидерландлар эса 853 километр масофа кўрсаткичи билан иккинчи ўринда турибди. Германия ва бельгиялик киши эса бир йилда ўртача 300 километр йўлни велосипед ўриндиғида босиб ўтар экан. 2016 йилгача Лондоннинг шарқидан ғарбига томон 30 километрли велосипед шоссеси қуриб битказилиши ҳам режалаштирилаётганини маълум қилган эди. Сирасини айтганда, ҳозирги кунда АҚШ, Европа ва Россияда велойўллар қуриш авж олди. Бир сўз билан айтганда, Европадаги автомобиллар тирбандлигини бартараф этиш, табиат ва атроф-муҳитнинг экологик вазиятини яхшилаш, аҳоли саломатлигини мустаҳкамлашда велосипедлар энг катта кўмакчи вазибаларини ўтамоқда.

Спорт соҳасида велосипед билан боғлиқ жиҳатлар кўпчиликка маълум бўлса керак. Велопойгалар Европада 1860-йилларда пайдо бўлган. 1896 йилдан Олимпия ўйинлари дастурига киритилган, 1893 йилдан трекада, 1921 йилдан шосседа, 1929 йилдан эпик биноларда, 1950 йилдан кросс бўйича жаҳон биринчиликлари ўтказила бошланган. 1900 йил асос солинган Халқаро велосипедчилар уюшмаси (UCI)га 152 мамлакат аъзо бўлган. 1997 йил Ўзбекистон велосипед спорти федерацияси қайта ташкил қилинди. Шу йили велосипед спортдан 6 нафар халқаро спорт устаси тайёрланди. Ўзбекистонда етишиб чиққан М. Коллошев, Ш. Заҳриддинов, А. Жамолиддинов, Ф. Галиуллина ва бошқа спортчилар жаҳон биринчилиги учун ўтказилган пойгаларнинг голиблари бўлишди.

Мамлакатимизда велосипедлардан фойдаланишни кенг йўлга қўйиш, бу борада зарурий шарт-шароитларни яратиш аҳоли ўртасида веломаданиятнинг шаклланишига, камчиқим воситадан унумли фойдаланишга, аҳоли саломатлигини янада яхшилашга, она табиатимизни асраб-авайлашга, шунингдек, автомобиллар билан боғлиқ турли ҳодисалар ва тирбандликлар, дилхиралликларни бартараф этишга, бундан ташқари, велосайёҳлик ривожланишига катта ҳисса қўшиши турган гап. Дарвоқе, бу борадаги илк қадамни 70 ёшли Мухаммад бобо қўйгани эсингиздадир.

Холисанлило айтсам, пойтахт кўчаларида кўзга ташланаётган велосипедчилар, тобора омалашаётган велопрокатлар саломатлигимиз ва моддиятимизга фойдалилиги, энг асосийси, табиат, атроф-муҳитга безарарлиги жиҳатидан улкан бир қадам – веломаданият шаклланаётганини кўрсатади. Насиб қилса, бора-бора битикларимиз бор газетларни ҳам велосипед минган ўсмирлар қўлидан олиб ўқиб ўтирсангиз, ажаб эмас.

Мансур ЖУМАЕВ,
Ўзбекистон Ёзувчилар
уюшмаси аъзоси



Бу воқеадан бироз ўтиб, «Навой» кўчадан «Хадра»га тушиб келаётганим, ёнимдан беш-олти нафар қиз-ўғил физиллатиб велосипед учуриб ўтишди. Ичимда қолиб кетган мулоҳазалар яна бош кўтарди. Пойтахтимизнинг турли нуқталарида велопрокатлар ташкиллаштирилиб, кўчаларда, йўлакларда «велик» ҳайдаб юрган ука-сингилларимизни кўриб, бир орзиқиб кетдим. Ёзнинг исигида чўмилишдан велосипедда қайтганларим, уйга меҳмон келиб қолса, у билан физиллаб дўконга тушиб келганларим, оқшом салқинида молларга ўт ортиб келганларим, қудуқда сув қолмаса, икки-уч километр наридан «велик»да сув келтирганларим, кунботар палла Р.ни кўриш учун у яшайдиган кўчадан камида эллик саккиз марталаб ўтиб-қайтганларим... Хуллас, кўп воқеалар кўз олдимдан кинотасмадай бир-бир ўтди. Энтиқдим. Қани ҳозир ҳам ҳар бир ишхона, идора, ташкилот олдида велосипед қўйиладиган велотурағоҳлар бўлса, бу транспортда қатновчилар учун алоҳида велойўлаклар бўлса, маза қилиб ишга «велик»да қатнасанг, эҳх!

Нима қилибди, ахир чет элларда, масалан, Хитойда қанчадан-қанча одам ишга велосипедда бориб-келади. Ҳам соғлиққа, ҳам чўнтакка фойда, табиатга беэиён. Ёки Ҳиндистонда ҳам

сида галстуги шамолда ҳилпираб велосипед ҳайдаб кетаётган саҳнаси бор... Нега кинолардаги бу транспорт – болалик хотираларимизга қорилиб кетган велосипед билан боғлиқ саҳналарни санаётганимни англагандирсиз. Шундай, ўша ўзимиз ҳайдаб катта бўлган техника воситаси ҳақида гапирмоқчиман. Келинг, XIX асрда кашф этилган велосипедни қайтадан «кашф қиламиз»!

Велосипед сўзи эски француз тилидаги «veloipede» сўзидан дунёга тарқалган. Бу сўз эса латинча «velox» (тез) ва «pes» (оёқ) сўзларидан келиб чиққан. Велосипед ғилдиракли транспорт ва спорт машғулот воситаси бўлиб, инсоннинг жисмоний кучи билан ҳаракатлантириладиган оёқ педдалари ёки (кам учрайдиган) қўл ричаглари орқали ҳайдалади.

Металлдан ясалган биринчи икки ғилдиракли велосипедни Россияда оддий деҳқон Е.М. Артамонов (1801) ясаган. Унинг педаль ўрнатилган олдинги ғилдираги орқадагисидан анча катта бўлган. Ун тўққизинчи асрнинг 50-йилларида немис механиги Ф. М. Фишер велосипедни мукамаллаштириб, деярли бугунги ҳолатига келтирган. Ҳозирда икки ғилдиракли оддий велосипедларнинг тезлиги соатига 10–30 километр, оғирлиги эса 8–16,5 килограммни ташкил

ХОРИЖДА ҲАРБИЙ ТАЪЛИМ

Америка Қўшма

Штатлари ҳарбий академияси мамлакатнинг энг қадимий федерал олий ҳарбий таълим муассасаси ҳисобланади. 1802 йилда ташкил этилган ушбу таълим масканининг асосий хусусияти мустақил равишда бажариладиган уй вазифалари аудитория машғулотларидан кўлиги билан ажралиб туради ва ушбу ўқув тизими ханузгача сақланиб келинмоқда.

Ҳарбий академияда жисмоний тарбия ва спортга катта эътибор берилиб, «Ҳар бир курсант спортчи бўлиши керак» деган шiori илгари сурилган. Академия курсантлари «Курсантлар мақоми» кодексига қатъий риоя қилишлари шарт. «Курсант ёлғон гапирмайди, фирибгарлик қилмайди, ўғирламайди ва бошқаларнинг бундай қилишига тоқат қилмайди» деган қоида шулар жумласидандир.

Айни пайтда АҚШ ҳарбий академиясининг 60-бошлиги генерал-лейтенант Даррил Уильямс 2018 йил июнь ойидан бери ушбу лавозимда фаолият юритмоқда. Академия битта бригада (4 000 курсант), 4 полк (1 000 курсант), 2 батальон (500 курсант), 4 та рота (120 курсант), 4 та взвод (30 курсант) ва 4 та кафедрадан таркиб топган.

Ҳозирги вақтда академияга умумий қабул квотасидан бешта ўринга АҚШ вице-президенти ва конгрессменлар тавсияномасига эга ва ўқишга лойиқ деб топилган абитуриентлар тўғридан-тўғри имтиҳонларсиз қабул қилинади. Борди-ю, конгрессменлар бу жой учун кўпроқ кишига тавсия берган бўлса ёхуд бешталик квота асосида ўқиётган бирор курсант ўқишдан четлатилса, бу ўринга номзодлар ўртасида танлов ўтказилади. Бу, аввало, ариза топшириш, бир ёки бир нечта иншо ёзиш ва бошқа имтиҳонларни ўз ичига олади.

Бундан ташқари, ҳар йили намунали офицерларнинг фарзандлари учун 100, фаол аскарлар учун 170, захирадаги зобитлар учун 20, жангда ҳалок бўлган, оғир ярадор бўлган ва ногирон ёки бедарак йўқолганларнинг болалари учун 65 ўрин ажратилади. Шунингдек, ҳар йили 20 га яқин хорижий курсантлар ўқишга қабул қилинади. Номзодлар турмуш қурмаган ва 17 ёшдан 22 ёшгача бўлиши шарт.

Ўқитиш 4 йил давом этади. Ҳар йили академияни 1 000 га яқин курсантлар битиради. Курсантлар ҳарбий академияни битирганидан сўнг кичик офицер мақомига эришади. Яъни академия битирувчиси бакалавр даражаси ва кичик лейтенант ҳарбий унвонига эга бўлиб, армияда 5 йил хизмат қилиш мажбуриятини олади.

Маълумот ўрнида айтиш керакки, ушбу ўқув даргоҳидан ташқари, мазкур мамлакатда АҚШ Ҳарбий ҳаво кучлари академияси, АҚШ Ҳарбий денгиз кучлари академияси ва АҚШ Соҳил(ни қўриқлаш) хавфсизлиги ҳарбий академияси ҳам профессионал ҳарбий кадрлар тайёрлаш билан шуғулланади.

Турин ҳарбий академияси Италиядаги олий ҳарбий таълим муассасаси бўлиб, унда қуруқликдаги қўшинларда хизмат қиладиган офицер кадрлар тайёрланади. У 1739 йил-

да ташкил этилган ушбу ўқув маскани Европада биринчи академия саналади. Дастлаб у Қироллик артиллерия ва фортификация мактаби, сўнг Артиллерия ҳарбий-техник билим юрти, Армия ҳарбий тадқиқотлар институти номи билан аталган ва уларнинг бирлаштирилиши натижасида ташкил этилган.

Турин ҳарбий академиясига киришдан олдин зобитлар Модена ҳарбий академиясида икки йил давом этадиган дастлабки тайёргарликдан ўтади ва у ерда лейтенант ҳарбий унвонини олади. Туринда улар уч йил давомида ўқиб, стратегия илми, турли



қотар

қурол ва аслаҳа турларини ўрганадилар. Турин ҳарбий академиясида таълим қуйидаги йўналишларда олиб борилади:

- пиёда, отлик ва артиллерия офицерларининг сиёсий ва ташкилий тайёргарлиги;
- ҳарбий муҳандислар, алоқа, транспорт ва аслаҳа тармоғидаги офицерларнинг техник тайёргарлиги;
- шахсий таркиб хавфсизлиги ва бошқаруви бўйича ихтисослик.

Эрон олий миллий мудофаа университети 1992 йилда ташкил этилган бўлиб, Эрон Исломи Республикаси Қуроли Кучлари Бош штабига бўйсунди. У Эрон армияси, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ҳамда хавфсизликни таъминлаш органларига юқори малакали кадрлар тайёрлаш, уларни ўқитиш ва малакасини ошириш билан шуғулланади.

Университет Эрон Исломи Республикасида қўмондонлар, командирлар, тадқиқотчилар, юқори малакали мутахассислар, ҳарбий ва фуқаролик ташкилотлари, муассасаларининг йўриқчиларини тайёрлаш борасида мудофаа, хавфсизлик ва бошқарув соҳасидаги стратегик фанлар ва билимларни ўқитиш, шунингдек, мусулмон мамлакатларидан юборилган талабалар, дўстлар ва иттифоқчиларнинг стратегик мажбуриятларини бажариши ва ўзларининг тегишли ташкилотларини самарали бошқаришда ёрдам беришни ўз олдига асосий вазифа этиб белгиланган.

Табрик

ШИЖОАТ, ҒАЙРАТНИ ҲАЙҚИЙМАН



Акмал ЖУМАМУРОДОВ,
Адлия вазирлиги
масъул ходими

Сиздаям ҳеч шунақа бўладими, бир уйлар кўзингизга гоят кенг, шинам кўринади, тартиби туйфайли кўнглингизга ўрнашади. Сўзидан завқ топасиз. Остонасига қайта-қайталаб қадам қўйингиз келади. Инсон тийнати, хислату фазилати қарор топишида ҳам тартибга тенг келари йўқ. Шунинг учун интизом кўкка кўтарилган жойда ҳурматнинг ҳам қиймати баланд. Шахсан мен буни ҳарбийлар ҳаёти мисолида, жумладан, «Vatanparvar» нашри саҳифаларида яққол кузатаман.

Ҳарбийга хос шижоат, ғайратни ўқийман. Бу энди бир ёки икки йиллик ижод эмас, қарийб ўттиз ёш билан бўйлашиб қўйган қадрият. Газета бизга орийатни, ғурур ва жасоратни гоҳ эссе, гоҳ очерк, гоҳ хотира бўлиб танитади. Нимани қандай тортиқ қилишга ақли этади унинг. «Vatanparvar»нинг ватанпарварлиги ҳам шунда.

Ҳарбийлик шарафини ўқувчига моҳирона етказишда «Vatanparvar» журналистлари бир вужудда икки касбни (ҳам журналист, ҳам ҳарбий) мужассам этгани билан ҳам қадрли. Умуман, ўқувчиларини ўқишли, уқишли ва энг муҳими, ишончли ахборот билан таъминлашдаги саъй-ҳаракатларига ҳамisha куч-қувват тилаймиз.

Эрон олий миллий мудофаа университети учта ҳарбий факультет ва Миллий стратегик тадқиқотлар институти ўз ичига олади.

• Стратегик менежмент факультетида катта зобитлар ўқитилади.

• Миллий мудофаа факультетида Эрон Қуроли Кучлари ва ҳукумат идоралари учун раҳбар кадрлар тайёрланади.

• Миллий хавфсизлик факультетида давлат хавфсизлик тизимига кадрлар тайёрланади.

Университет тасарруфидаги Миллий стратегик тадқиқотлар институти мамлакат Қуроли Кучларининг халқаро муносабатлар, ҳарбий

сиёсат ва стратегия соҳасида илмий изланишлар олиб бориладиган марказ ҳисобланади. Ушбу олий ўқув юртининг ўзига хос хусусияти шундаки, унда нафақат ҳарбий хизматчилар, балки бошқа вазирлик ва идоралар вакиллари ҳам ўқитилади.

Университет тингловчиси сифатида ўқишга Эрон Қуроли Кучларининг тўрт турдаги тузилмалари шахсий таркибидан подполковник ва ундан юқори ҳарбий унвонга эга офицерлар қабул қилинади. Битирувчилар ҳарбий фанлар доктори илмий даражасига эга бўлади.

Университет Эрон Исломи Республикасида қўмондонлар, командирлар, тадқиқотчилар, юқори малакали мутахассислар, ҳарбий ва фуқаролик ташкилотлари, муассасаларининг йўриқчиларини тайёрлаш борасида мудофаа, хавфсизлик ва бошқарув соҳасидаги стратегик фанлар ва билимларни ўқитиш, шунингдек, мусулмон мамлакатларидан юборилган талабалар, дўстлар ва иттифоқчиларнинг стратегик мажбуриятларини бажариши ва ўзларининг тегишли ташкилотларини самарали бошқаришда ёрдам беришни ўз олдига асосий вазифа этиб белгиланган.

Университет Эрон Исломи Республикасида қўмондонлар, командирлар, тадқиқотчилар, юқори малакали мутахассислар, ҳарбий ва фуқаролик ташкилотлари, муассасаларининг йўриқчиларини тайёрлаш борасида мудофаа, хавфсизлик ва бошқарув соҳасидаги стратегик фанлар ва билимларни ўқитиш, шунингдек, мусулмон мамлакатларидан юборилган талабалар, дўстлар ва иттифоқчиларнинг стратегик мажбуриятларини бажариши ва ўзларининг тегишли ташкилотларини самарали бошқаришда ёрдам беришни ўз олдига асосий вазифа этиб белгиланган.

Университет Эрон Исломи Республикасида қўмондонлар, командирлар, тадқиқотчилар, юқори малакали мутахассислар, ҳарбий ва фуқаролик ташкилотлари, муассасаларининг йўриқчиларини тайёрлаш борасида мудофаа, хавфсизлик ва бошқарув соҳасидаги стратегик фанлар ва билимларни ўқитиш, шунингдек, мусулмон мамлакатларидан юборилган талабалар, дўстлар ва иттифоқчиларнинг стратегик мажбуриятларини бажариши ва ўзларининг тегишли ташкилотларини самарали бошқаришда ёрдам беришни ўз олдига асосий вазифа этиб белгиланган.

Университет Эрон Исломи Республикасида қўмондонлар, командирлар, тадқиқотчилар, юқори малакали мутахассислар, ҳарбий ва фуқаролик ташкилотлари, муассасаларининг йўриқчиларини тайёрлаш борасида мудофаа, хавфсизлик ва бошқарув соҳасидаги стратегик фанлар ва билимларни ўқитиш, шунингдек, мусулмон мамлакатларидан юборилган талабалар, дўстлар ва иттифоқчиларнинг стратегик мажбуриятларини бажариши ва ўзларининг тегишли ташкилотларини самарали бошқаришда ёрдам беришни ўз олдига асосий вазифа этиб белгиланган.

Дилшод ШУҲРАТОВ
тайёрлади.

Муқаддас бурч

“ Ватанпарварлик бу – мустаҳкам қурол. У Ватан сарҳадларини маънавий-руҳий сақловчи, муҳофаза қилувчи мафкуравий-ғоявий куч ҳисобланади. Зеро, муборак ҳадисларда Ватанни севмоқ иймондандур, деб бежиз айтилмаган.

Шу ўринда аввало бир саволга жавоб топишимиз керак. Ватанпарвар инсон ким? Ватанпарвар инсон деб туғилиб ўсган юртини кучли муҳаббат билан севадиган, унга фақат яхшиликлар соғинадиган, ёмонликларга кўксини қалқон қиладиган фидойиларга айтилади. Фидойи инсон эса Ватанининг яхши кунда ҳам, ёмон кунда ҳам қорига ярайди, мушкулларини енгиллаштиради.

Мана, неча ойдирки, радио, телевидениеда «Уйда қолинг», деган хитоб янграб турибди. Фидойи инсонлар ўтаётган даврнинг юртга келган синов эканлигини англаган ҳолда иш тутдилар: кўчага чиқмади, ўзининг ва ўзгалар ҳаётини хавф остига қўймадилар. Улар шу амаллари орқали бу юртдан бало тезроқ кўтарилишини исташди. Аслида бу энг катта ватанпарварлик!

Тарихга назар ташлайдиган бўлсак, кўхна диёримиз бундай офатга биринчи бор дуч келаётгани йўқ. Зеро, бундан беш аср муқаддам замин гавҳари бўлган қадимий Самарқанд аҳли бошига тушган кулфат ва оғир иқтисодий ҳолатни Заҳриддин Муҳаммад Бобурнинг «Бобурнома»сидан ҳам ўқиш мумкин: «...Самарқанд андоқ хароб эдиким... фақир ва мискин ит этини, эшак этини йиға киришдилар. Отқа бўғуз кам ёфт бўлди. Дарахтларнинг баргини отқа берурлар эди. Андоқ тажриба бўлдиким, бори яфроқлардин тут яфроғи ва қора йиғоч яфроғи отқа созварроқ эмиш. Баъзи куруқ йиғочларни ранда қилиб, тарошасини сувга ивитиб, отқа берурлар эди». Бу каби иқтисодий қийинчиликлар, вабо иллатлари 1872 йилда, кейинроқ 1892 йилларда ҳам бўлганлигига тарих гувоҳ. Биргина 1872 йилда даҳшатли эпидемия 72 205 кишининг ёстиғини қуритган бўлса, 1892 йилда 40 мингдан ошиқроқ киши ҳаётдан кўз юмади...

Ўлим – энг катта ва оғир йўқотиш. Унинг ўрнини ҳеч нима билан тўлдириб бўлмайди. Шундай экан, бугунги коронавирус балосидан қутулиш учун шу юртда яшаётган ҳар бир инсон бир ёқадан бош чиқариб ҳам руҳан, ҳам маънан бир-бирини қўллаб-қувватлаши, муҳтожларга моддий ва маънавий кўмак бериши лозим. Шу амаллари орқали улар энг аввало, Ватанга бўлган муҳаббатини изҳор қилган бўлади. Ёдингизда бўлсинки, эзгуликнинг муқофоти албатта, эзгулик бўлади.

Бухориддин МАМЕДОВ,
филология фанлари доктори,
Қуролли Кучлар академияси
профессори

ҲУҚУҚ

Эрта миз галарига этибор

Халқимизда «Бир болага етти маҳалла ота-она», деган нақл бор. Шундай экан, улғаяётган ҳар бир бола учун барчамиз бирдек масъулмиз. Бу борада ҳарбий прокуратура органлари томонидан Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг ҳудудий кенгашлари билан ҳамкорликда, ҳар бир вилоятнинг хусусиятларини инобатга олган ҳолда бир қатор тадбирлар, «Прокурор ва ёшлар» учрашувлари ташкил этилмоқда.

2020 йилнинг ўтган даври мобайнида ҳамкорликда 529 та тадбир ташкил этилиб, уларга 12 мингга яқин ёшлар, шу жумладан, 8 300 дан ортиқ 30 ёшгача бўлган ҳарбий хизматчилар жалб этилди. Оммавий ахборот воситаларида 227, шу жумладан, ижтимоий тармоқлардаги расмий каналлар орқали 92 марта чиқиш қилинди.

Мисол учун, Бухоро ҳарбий прокуратураси ташаббуси билан вилоят адлия бошқармаси, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи вилоят кенгаши, банклар, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва бандлик марказлари ҳамкорлигида ҳарбий хизматни ўтаб қайтган ёшлар билан «Юксак ҳуқуқий маданият – мамлакат тараққиётининг кафолати» мавзuida мулоқот ўтказилди, ёшларга мутахассислар томонидан замонвий бизнес юритишнинг ҳуқуқий асослари (старт-таплар) ҳақида маълумот берилди.

Гулистон ҳарбий прокуратураси томонидан Сайхунобод тумани прокуратураси ва ҳокимлиги, Ёшлар иттифоқи туман кенгаши, мудофаа ишлари бўлими ва ҳарбий қисмлар қўмондонликлари билан ҳамкорликда ёшларни қизиқтирган масалалар ўрганилган ва Президентимизнинг бешта муҳим ташаббуси доирасида санъат ва спорт мусобақалари ташкил этилиб, совриндорларга бадиий китоблар ва бошқа совғалар топширилган.

Коронавирус пандемияси шароитида тадбирлар ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда онлайн тарзда ўтказилиши йўлга қўйилди. Хусусан, 45 марта «Прокурор ва ёшлар» учрашуви ўтказилди ҳамда уларда 2 000 га яқин ёшлар, шу жумладан 800 дан ортиқ ёш ҳарбийлар видеоконференц-алоқа орқали қамраб олинди.

Мулоқотларда ёшлар ҳарбий таълим муассасаларига ўқишга кириш, ҳарбий хизмат, ҳарбийлар учун жорий қилинган имтиёзлар ва ўзларини қизиқтирган бошқа саволларга атрофлича жавоб олишмоқда. Масалан, июнь ойида Қарши ҳарбий прокуратураси ташаббуси билан Қарши тумани Хонобод кўрғонидаги ҳарбий шаҳарчада яшовчи ёшларнинг бандлигини таъминлаш имконияти ўрганилди ҳамда хусусий тадбиркор жалб қилинган ҳолда нон цехи ташкил этилиб, беш кишини иш билан таъминлашга эришилди.

Ҳозир ҳудудий ҳарбий прокуратуралар санитария-гигиена қоидаларига амал қилган ҳолда бундай тадбирларни жадал давом эттирмоқда.

Адлия подполковниги Азиз ИСАКОВ,
Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокурорининг катта ёрдамчиси

Мафкуравий иммунитетни мустаҳкамлаш йўлида

Коронавирус пандемияси бутун жаҳонда режалаштирилган ишлар ва тадбирларга кескин ўзгартиришлар киритишга сабаб бўлди. Саломатлик ва хавфсизликни таъминлаш мақсадида қатъий эҳтиёт чоралари ва карантин тартиби жорий қилинди.

Шундай шароитда «Ёшлар ойлиги»даги тадбирлар аввалгиларга қараганда ўзига хос тарзда, санитария-гигиена талабларига қатъий амал қилиб, ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда онлайн тарзда ўтказилмоқда.

Жумладан, «Ёшлар ойлиги» муносабати билан ҳамда 2020 йил 26 май кунги Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ўртасида ҳамкорлик тўғрисида меморандум ижроси доирасида Республика Ҳарбий прокуратураси, Тошкент шаҳар прокуратураси ҳамда Ёшлар иттифоқи Тошкент шаҳар кенгаши ҳамкорлигида ташкил этилган «Прокурор ва ёшлар» учрашуви ҳам онлайн мулоқот тарзида ўтказилди.

Унда пойтахтимиз туманларидан 100 га яқин ёшлар онлайн иштирок этишди. Таъкидланганидек, мамлакатимизда ёшларга бўлган эътиборни янада кучайтириш, уларни маданият, адабиёт, санъат, жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш, ахборот технологияларидан фойдаланиш кўникмаларини шакллантириш, китобхонликни тарғиб қилиш, хотин-қизлар бандлигини ошириш масалалари муҳим вазифалардан саналади.

Ҳозирги ўта мураккаб кечаётган ва ахборот хуружлари авж олган таҳликали замонда ёшларимизнинг мафкуравий иммунитетини кучайтириш ва уларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш эса ҳар қачонгидан ҳам долзарб экани айтиш ҳақиқат. Прокуратура органларининг ёшлар билан ўтказиб келаётган тадбирларида айнан мана шу жиҳатларга катта эътибор қаратилмоқда.

Адлия лейтенанти Лочин КУРБОНБОЕВ,
Тошкент ҳарбий прокурорининг катта ёрдамчиси

БИР ХОЗУЧ ДУР

АЁЛ РАШКИ

Ўлим тўшагидаги аёл эридан сўради:
– Вафотимдан кейин қанча вақт ўтиб, уйланасиз?
Эри:

– Қабринг қачон қуриса, ўшанда уйланаман.
Хотин шу ҳақда эрининг ваъдасини олибди. Вақти-соати етиб, аёл оламдан ўтибди. Эр ҳар куни марҳуманинг қабрига борар ва қабрнинг ҳеч қуримаслигини кўриб, ортига қайтаркан.
Бу ҳолат бир йил давом этгач, эркак кечаси қабристонга борибди. Қараса, аёлининг укаси опасининг қабрига челак-челак сув қуйяпти. Нега бундай қилаётганини сўрабди:
– Опам менга ҳар куни қабрига сув қуйиб туришимни васият қилган эди.

ЭНГ БУЮК ҲАҚИҚАТ

Бир киши Тинч океанида эвакуация қайиғида уч ҳафта қолиб кетди. 21-кун уни қутқарувчилар топиб, қутқаришди. Шундан сўнг у Америка журналларининг бош меҳмонига айланиб қолди. Чунки ҳамма унинг океандаги ҳаётига қизиқарди.

У билан суҳбат олиб борган журналист ва ёзувчилардан бири, бу – машҳур Дейл Карнеги эди. Ричен Беккер исми киши билан учрашган ижодкорнинг унга биргина саволи бор эди:

– Океандаги 21 кун ичида сиз англаган энг катта ҳақиқат нима?
Ричен Беккер:

– Мен англаган энг буюк ҳақиқат шуки, агар ейишга бир бурда нон, ичишга бир стакан ширин сувингиз бўлса, ҳаётда ҳеч нарсадан шикоят қилишга ҳақингиз йўқ экан.

ҒОЗ ЎҒРИСИ

Бир киши Сулаймон (а.с.)га келиб, қайсидир қўшнисни ғозларини ўғирлаётганидан шикоят қилди. Сулаймон (а.с.) ҳаммани намоз учун ибодатхонага тўплади. Сўнг минбарга чиқиб, хутба ўқиди. Кейин:

Ораларингизда бир киши қўшнисининг ғозини ўғирламоқда. Яна уялмай бошида ғознинг пати билан ибодатхонага келибди, – дебди.

Ўғри дарров қўли билан бошини тозаламоқчи ҳам эдики, Сулаймон (а.с.) уни кўриб:

– Ушланглар, ўғри мана шу! – дебди.

ЯРАМАС ЭЧКИ

Бир куни хўкиз ўзини қувиб келаётган арслондан қочиб, ғорга яширинди. Ғорни бир ёввойи эчки макон қилиб олган эди. Чақирилмаган меҳмон унга ёқмади. Шунинг учун шоҳлари билан хўкизни ниқтайвериб, уни безор қилди. Охири хўкиз шундай деди:

– Менга қара, хой эчки, мен шу арслондан қутулиб олай, кейин сенга кимлигимни кўрсатаман.

«Оилам билан ҳар бир кун бир ҳаёт дарси ўрганамиз» китобидан

ТАҲЛИЛ

«ZOOM» ВА «TIK TOK» ИЛОВАСИ

хавфсизлик жиҳатидан ҳимояланганми?

Бугунги кунда халқаро ахборот хавфсизлигини дунёвий даражада таъминлаш масаласи ўта долзарб бўлиб қолмоқда. Замонавий ахборот-коммуникация технологияларини (АКТ) жадал ривожлантириш ва кенг жорий этиш замонамизнинг энг муҳим жиҳатларидан биридир. Инсон фаолиятининг барча соҳаларига кириб бораётган АКТ миллий хавфсизликнинг сиёсий, иқтисодий, мудофаа, ижтимоий-маданий ва бошқа таркибий қисмлари ҳамда халқаро хавфсизлик ва барқарорликнинг умумий тизимига бевосита боғлиқ бўлган глобал ахборот муҳитини шакллантиради.

Интернет оқими шахс, жамиятнинг шахсий ахборот маълумотларига кириб бориш, кузатиш, уларга доир маълумотларни фойдаланувчининг рухсатисиз олиш имконини бермоқда.

Жумладан, соҳа экспертларининг фикрига кўра, коронавирус пандемияси сабабли дунёнинг жуда кўплаб давлатларида карантин эълон қилинганлиги натижасида инсонлар уйдан чиқмади. Табиийки, кишиларда бўш вақт кўп бўлди. Одамлар ҳалигача ижтимоий тармоқларда турли хил кўнгилочар лавҳаларни томоша қилиш, онлайн дарсларни кузатиш, хизмат билан боғлиқ конференцияларда онлайн иштирок этишда шахсий маълумотлар хавфсизлигини ҳисобга олмаган ҳолда «Zoom» ва «Tik Tok» каби иловалардан фойдаланиб келмоқда. Мазкур иловалар фойдаланувчиларининг сони 2020 йилда ўтган йилдаги кўрсаткичга нисбатан 20 бараварга ошиб, 200 млн нафарни ташкил этмоқда.

Бироқ ҳар биримизга маълумки, ахборот маконининг ортби бориши билан бирга хавфсизлик жиҳатидан шахсга доир маълумотларнинг ижтимоий тармоқларда тарқаб кетишига, ачинарлиси, қабих нијатдаги шахслар ушбу маълумотларни эгаллаш орқали жамиятга, кейинчалик мамлакатнинг миллий хавфсизлигига хавф солиши мумкин.

Маълумот учун, «Zoom» иловаси 2012 йилда «Zoom Video Communications» компанияси томонидан яратилган. Провайдери АҚШнинг Калифорния штати Сан-Хосе шаҳрида жойлашган. Ушбу компания асосан «Видеоконференция», «Онлайн-учрашувлар» мобил хизматларни жорий этиш билан шуғулланади. Жорий йилнинг март ойида «Блумберг» ахборот агентлиги «Zoom Video Communications» компаниясига нисбатан даъвосини эълон қилди. Унга кўра, «Zoom» иловаси фойдаланувчиларининг ёпиқ мазмундаги шахсий маълумотлари ижтимоий тармоқларда тарқалиб кетган. АҚШнинг Сан-Хосе шаҳри суди томонидан кўрилган даъво аризасида келтирилишича, «Zoom» иловасини юклаб олаётганда ёки очаётганда фойдаланувчини огоҳлантирмадан, яширинча персонал маълумотларни юклаб олиши, кейинчалик ушбу маълумотларнинг учинчи томонга – «Facebook» компаниясига берилганлиги кўрсатиб ўтилган.

Бундан ташқари, «Group-IB» халқаро киберхужумларни бартараф қилиш халқаро компаниясининг мутахассислари «Zoom» корхонаси томонидан ушбу иловадан фойдаланаётган 4 153 нафар шахснинг шахсий маълумотлари сотувга қўйилганини аниқлашган. Улардан 31 аккаунт. «гг» домендаги фойдаланувчиларга тегишли.

Шунингдек, АҚШнинг «Financial Time» агентлиги ва Германиянинг «Handelsblatt» нашрида келтирилган маълумотларга кўра, хавфсизлик жиҳатидан келиб чиқиб АҚШ ҳукумати ва Германия Ташқи ишлар вазирлиги давлат хизматчиларига «Zoom» иловаларидан фойдаланмасликни тавсия қилмоқда. Бу каби ҳолатлар ҳали-ҳануз давом этмоқда.

Жумладан, Ria.ru ахборот агентлиги 2020 йилнинг 16 апрелида Нью-Дехли ахборот агентлигига асосланиб, «Ҳиндистон ИИВ «Zoom» иловаси видеоконференция учун хавфсиз эмас» номли мақоласини эълон қилди. Ҳиндистон Ички ишлар вазирлиги хавфсизлик жиҳатдан келиб чиқиб, «Zoom Meeting Platform» иловасидан видеоконференциялар ўтказишда фойдаланмасликни тавсия қилган.

ОАВдаги мавжуд маълумотларга таяниб, Австралия, Сингапур, Тайвань ҳукумати «Zoom» иловасидан видеоконференциялар ўтказишни тақиқлаб қўйди. Шунингдек, ушбу иловадан ташқари ҳозирги кунда фойдаланувчилар орасида машҳур иловалардан бири сифатида TOP-10 талиқда 3-ўринни

Табрик

БИР ҚАДАМ ҲАМ ОРТГА ЧЕКИНМАЙ



Мухрим АЪЗАМХЎЖАЕВ,
«Daryo»
интернет-нашри
бош муҳаррири,
блогер

Олти йил илгари Чирчиқда сафарбарлик чақирuvi резерви хизматида бўлганман. Ҳозир вазият ўзгаргандир, лекин ўшанда ахборотга, янгиликларга бўлган эҳтиёжни қондиришнинг ягона воситаси бу – «Vatanparvar» газетаси эди. Кўринишидан, газета ўша вақтларда ўзининг бундай фавқуллода аҳамиятини жуда яхши ҳис қилган, шу боис ҳам одатий соҳа газеталаридан фарқли равишда материаллари долзарб, мавзулари хилма-хил эди.

Бахтга қарши, онлайн медиада фаолият юритганим боис босма матбуотни мунтазам кузатиб боролмайман. Аммо сайтимиз ўқувчилари ҳам билади: миллий армиямиз фаолиятига доир ахборотларни мунтазам бериб борамиз – жамоатчиликда армияга, бугунги янгилаётган Қуролли Кучларимизга бўлган қизиқиш катта. Бунда биз асосан Мудофаа вазирлигининг ҳарбий журналлари, хусусан, «Vatanparvar» газетаси мухбирлари билан яқин ҳамкорликда иш олиб борамиз. Газетада чоп этилаётган мақолаларнинг долзарблиги, журналистларнинг ўта масъулиятлиги «Vatanparvar»ни ҳар гал мутолаа қилганимда яққол сезилади. 28 йилдан бери бундай масъулиятдан бир қадам ҳам ортга чекинмаган «Vatanparvar» алоҳида олқишга сазовор.

Талал Хардж Барки «Tik Tok» иловасининг хавfli эканлигини таъкидлаб, унинг ичида Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти номидан шифрланмаган «НТТР» дастуридан фойдаланган ҳолда коронавирус билан боғлиқ фейк хабарларни жойлаштириб келмоқда.

Шу билан бирга, 2019 йил 31 декабрь куни «Thebabel.net» ахборот агентлиги «АҚШ ҳарбийларга «Tik Tok»дан фойдаланишни тақиқлади» номли мақолани чоп этди. Унда АҚШ мудофаа вазирининг 2019 йил 16 декабрдаги буйруғи билан «Tik Tok» иловасидан фойдаланишни тақиқлаб қўйган. Шунингдек, 2020 йил 4 январдан эътиборан АҚШ Давлат департаменти ва АҚШ Ички хавфсизлик вазирлигида ушбу иловадан фойдаланиш тақиқланган. Бундан ташқари, АҚШ ҳарбий денгиз флоти денгизчиларга мобил телефонларидан ушбу иловани ўчириб ташлаш тўғрисида кўрсатма берилган. Ўчириб ташламаган ҳарбийларнинг телефонлари блокраниб қўйилиши билан огоҳлантирилган.

Ўқоридаги маълумотлардан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги тизимида ушбу ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида қуйидагилар тақлиф этилади:

– биринчидан, Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг барча тоифадаги ҳарбий хизматчилари, ишчи ва хизматчилари билан мутахассисларни жалб этган ҳолда «Tik Tok» ва «Zoom» иловалари мавзусида машғулотлар ташкиллаштириш;

– иккинчидан, ахборот хавфсизлигини таъминлаш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги «Tik Tok» ва «Zoom» иловаларидан фойдаланишни чеклаш юзасидан тақлифларни кўриб чиқиш;

– учинчидан, ушбу иловаларни чеклаш орқали ҳарбий хизматчиларнинг конституцион ҳуқуқларининг бузилмаётганлиги, аксинча, бу уларнинг хавфсизлиги жиҳатидан кўрилаётган чора-тадбирлар эканлиги юзасидан тушунтириш ишларини олиб бориш.

Подполковник Муроджон РЎЗИЕВ,
таҳлилчи

«Tik Tok» иловаси эгаллаб турибди.

Маълумот учун, «Tik Tok» иловаси 2016 йилда «Byte Dance» томонидан ишлаб чиқилган. Ушбу иловда қисқа аудио, видеолавларни жойлаштириш, маълумот алмашинувини амалга ошириш мумкин. Сервери Хитойда жойлашган. 2018 йилда ишга туширилган. Биргина 2019 йилнинг ўзида иловани юклаб олишлар сони 1 млрд.ни ташкил этган.

Ушбу илованинг ўзига хос жиҳатларидан бири у 16–24 ёшлиларга қаратилганлигидир, яъни фойдаланувчиларнинг 90 фоизини ёшлар ташкил этади. Ўзбекистонда ушбу илова фойдаланувчиларининг кўрсаткичи апрель ойида март ойига нисбатан ортганлигини кузатишимиз мумкин.

2019 йил таҳлилларига кўра, биргина Россиядаги фойдаланувчилар ушбу илова орқали ҳар ойда 16,25 млрд видеоларни томоша қилган ва 21 млн.га яқин видеотасвирларни унга жойлаган.

АҚШ (FTC) Олди-сотди федерал комиссияси «Tik Tok» иловаси яратувчиларини салкам 6 млн АҚШ доллари миқдорига жаримага тортиди.

Соҳа мутахассисларининг фикрича, ушбу илова «Шахсий маълумотлар»га доир қонун талабларини бузган. Яъни иловадан рўйхатдан ўтишда фойдаланувчи ўзининг электрон почтаси, телефон рақами, ёши ва жинсини кўрсатиб ўтиши керак. Бу каби маълумотларга ҳимоя тизими ўрнатилмаганлиги сабабли исталган ташир буюрувчи уни кўриши мумкин.

Шунингдек, «TJournal» нашриятининг ёзишича, «IT» борасидаги мутахассислар Томми Майска ва

САРҲАД

Ғалаба ва дўстлик эстафетаси

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Чегара қўшинлари қўмондонлари Кенгаши ҳомийлигида ҳар беш йилда бир маротаба «Ғалаба эстафетаси» ҳарбий-ватанпарварлик акцияси доирасида халқаро тадбир ўтказилади. Унда Иккинчи жаҳон урушида бемисл қаҳрамонлик ва жасорат кўрсатган мард чегарачиларнинг хотираси ёдга олинади.

Нихоят, эстафета рамзий белгиси бўлган кубок Россия, Озарбайжон, Арманистон, Белоруссия, Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистон чегаралари бўйлаб қўлдан қўлга ўтиб, бизнинг мамлакатимизга ҳам етиб келди. Уни ДХХ Чегара қўшинлари ҳарбий хизматчилари Тошкент вилоятининг Бекобод туманидаги «Ойбек» халқаро ўтказиш пункти орқали қўшни қардош мамлакатимиз бўлган Тожикистон Чегара қўшинлари вакилларида қабул қилиб олишди.

Анъанага биноан жорий йилда юртимизда ўтказилган мазкур тадбир бутун мамлакатни қамраб олди. Ҳарбий-жанговар анъаналарни давом эттиришни мақсад қилган эстафета гуруҳи аъзолари дастлаб ДХХ Чегара қўшинлари ҳарбий хизматчилари, фахрийлар иштирокида Тошкент шаҳрида барпо этилган «Ғалаба боғи»га ташриф буюрди ва «Матонат мадҳияси» монументи пойига тантанали равишда гулчамбарлар қўйишди. Шундан сўнг Қорақалпоғистон Республикасига йўл олишди. Уч кун давом этган тадбирлар сўнггида ДХХ Чегара қўшинлари ҳарбий хизматчилари эстафета кубогини мамлакатимизнинг шимоли бўлган Қорақалпоғистон Республикасидаги «Даут-ата» автоўл ўтказиш пункти орқали Қозоғистон Республикаси Чегара қўшинлари вакилларига топширди.

30 июнь – Ёшлар куни. Мана, бир неча йилдирки, ушбу кун юртимиз ёшларининг ютуқлари, эгаллаган соҳаси бўйича амалга оширган режалари сарҳисоб қилинадиган муҳим сана сифатида мамлакатимизда катта байрам қилинмоқда.

Айнан шу санада Ватанимиз тараққиётига муносиб ҳисса қўшиб келаётган, юксак маънавиятли, мустақил фикрловчи, қатъий ҳаётий позиция, кенг дунёқараш ва юқори салоҳиятга эга бўлган фидойи ёшларни «Мард ўғлон» давлат мукофоти билан тақдирлаш анъанага айланди. Қаҳрамонимиз катта лейтенант Элмурод Абдураимов ҳам юртимиз мустақиллигининг 28 йиллиги арафасида шундай шарафга эришган ёшлардан бири.

– 2011 йил мудофаа ишлари бўлими томонидан муддатли ҳарбий хизматга қақрилганман. ДХХ Чегара қўшинлари сафида муддатли ҳарбий хизматни ўташ давомида қалбимда келажагимни ҳарбий хизмат билан боғлаш истаги туғилди ва хизматни контракт бўйича давом эттирдим. Инсон яшар экан, янги орзулар, мақсадлардан куч олади. Бу

ҳаёт ҳақиқати. Мен ҳам қалбимда улкан орзу билан 2013 йилда Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юрти (ҳозирги Қуролли Кучлар академияси)га ўқишга кирдим. 2017 йилда академияни тамомлаб, ДХХ Чегара қўшинларида офицерлик фаолиятимни бошладим. Хизматим давомида турли спорт мусобақаларида, ҳарбий кўпкураш беллашувларида ва Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари миқёсида бўлиб ўтган «Энг илғор гуруҳ командири» кўрик-танловида иштирок этиб, фахрли 1-ўринни қўлга киритдим. Эришган ютуқларим натижасида Президентимиз томонидан «Мард ўғлон» давлат мукофоти билан тақдирландим. Бундан жуда хурсандман. Менга билдирилган юксак ишонччи Ватанга бўлган чексиз садоқатим билан оқлашга сўз бераман!

ДХХ Чегара қўшинлари матбуот хизмати

Элмуроднинг ЮТУҒИ



МУДОФААГА КЎМАКЛАШУВЧИ «ВАТАНПАРВАР» ТАШКИЛОТЛАРИДА

Юртимизда давом этаётган карантин шароитида ёшларимизнинг маънавий иммунитетини кучайтириш, уларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш ҳар қачонгидан ҳам долзарб эканлигини замоннинг ўзи кўрсатиб турибди.



Маълумки, Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти мамлакатимиз ёшлари қалбида ватанпарварлик ҳиссини уйғотиш, кенгайтириш ва мустаҳкамлаш борасида алоҳида аҳамият касб этадиган ташкилотлардан биридир. Бу борда ташкилотнинг Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши тасарруфидаги Амударё тумани ўқув-спорт техника клуби жамоаси ҳам муайян ишларни амалга ошириб келмоқда. Аини пайтда ЎСТҚда спортнинг техник ва амалий турларини ривожлантириш, турли спорт тўғралакларини ишини йўлга қўйиш борасида амалий тадбирлар бажарилмоқда.

– Республика махсус комиссияси ахборотига қўра, эндиликда ташкилотимизда назарий машғулотлар масофадан туриб (онлайн) ўқитиш орқали амалга оширилиши йўлга қўйилди, – дейди туман ЎСТҚ бошлиғи Шухрат Камалов. – Амалий машғулотлар эса санитария талабларига қатъий риоя қилин-

МАСОФАВИЙ ЎҚИТИШ САМАРАСИНИ БЕРАДИ



ган ҳолда олиб борилмоқда. Карантин даврида ҳам ёшларнинг jismoniy faolligini oshirish maqsadida telegram ijtimoiy tarmofigida klub aъzolari ўrtasida online musobaqalarni tashkil etishni rejalashtirganimiz. Bundan tashqari, kompyuter texnologiyalari va internetdan samarali foydalaniш orqali tinglovchilarga nazariy mashg'ulotlarni olib borishda yangi innovatsion texnologiyalardan foydalaniш masalalariga ham katta

etibor qaratilmoqda. Tinglovchilarga masofadan ўqitish bўyicha qўshimcha mashg'ulotlar tashkil etildi.

ЎСТҚда ўтган йили 700 нафар «В», «ВС» тоифали хайдовчилар тайёрланган бўлса, жорий йилнинг ўтган ойлари мобайнида 150 нафар оммавий касб ходимлари тайёрланди. Эндиликда ҳам бу жараён изчил давом эттирилмоқда. Бунинг учун ташкилотда етарли моддий-техник база шакллантирилган ҳамда ўқув жиҳозлари ва замонавий

русумдаги транспорт воситалари билан таъминланган. Карантин шароитида ташкил этилаётган масофадан ўқитиш жараёнлари ҳам ўз илҳомий самарасини бериши шубҳасиз. Чунки бошқа ташкилотларда бўлгани каби Амударё тумани ўқув-спорт техника клубида ҳам барча жараёнлар санитария талабларига қатъий риоя қилинган ҳолда амалга оширилмоқда.

Ақбар АЛЛАМУРОДОВ

ОГОҲЛИК

Сўнги пайтларда турли оммавий ахборот воситалари орқали бутун дунёда COVID-19 вирусининг аҳоли саломатлигига жиддий хавф туғдираётгани, ундан ҳимояланиш учун эпидемиологик талабларга риоя қилиш зарурлиги тинмай ўқтириляпти. Ушбу шафқатсиз вирус исканжасига тушиб қолишнинг олдини олиш кераклиги қайта-қайта айтилаётган бўлса-да, айрим кимсалар бу талабларга амал қилмаяпти ёки менсимаяпти. Оқибатда бугунги кунга келиб, аҳоли орасида ушбу вирусга чалиниш ҳолати жадал суръатда ортиб бормоқда.

Тунни тонга улаб, хафталаб оиласи даврасида бўла олмаётган, фарзандларини беихтиёр меҳрига интиқ қилаётган тиббиёт ходимлари бугун ўз вазифаларини сидқидилдан бажариш билан бирга, беморларни даволаш жараёнида вирусни юктириб олаётганлари ҳам йўқ эмас. Мақсадсиз кўчага чиқаётган, пандемия шароитида ўрнатилган карантин талабларини бузаётган юртдошларимиз юзлаб одамларнинг оиласи дийдоридан айираётганини ўйлайдими?!

2017 йил 10 январда қабул қилинган санитария қонда ва меъёрлари шифохона ичи инфекцияларининг келиб чиқиши, тарқалишининг олдини олиш бўйича асосий гигиена ва эпидемияга қарши комплекс чора-тадбирлар талабларини белгилайди ва у барча даволаш-профилактика муассасаларида асосий меъёрий ҳужжат ҳисобланади. Изланишлар шуни кўрсатмоқдаки, дунё миқёсида шифохона ичи инфекциялари қўзғатувчиларининг икки юздан ортиги аниқланиб, ўрганилмоқда. Буларга анаэроб таёқчалар, стрептококки, цитомегаловирус ва ОИВ инфекциялари, турли ротавируслар мисол бўлади. Қолаверса, бугун долзарб мавзуга айланган

ВИРУСДАН КИМ КЎПРОҚ АЗИЯТ ЧЕКЯПТИ?

COVID-19 ҳам инсон ҳаётига катта хавф туғдирмоқда.

Шифохона ичи инфекциясини қўзғатувчиси шифо излаб келган беморда яна бошқа қутилмаган касалликни келтириб чиқариб, атрофга тез тарқалиш хусусияти билан хавфлидир. Уни бартараф этиш учун шифо масканида шифокорлар, ўрта ва кичик тиббиёт ходимлар барча дезинфекция, стерилизация чора-тадбирларини амалга ошириб, қатъий карантин тартибда фаолият олиб боради. Аммо бу нафақат бемор, балки унинг соғлиғини тиклаш учун киришган тиббиёт ходимининг саломатлигига ҳам тахдид солиши мумкин.

Тиббиёт ходимлари беморларни даволаш вақтида юзга ниқоб, зарур ҳолатларда қўзойнак тақиши, қўлқоп билан ишлаши, бир марта ишлатиладиган тиббиёт воситаларидан фойдаланиши, махсус кийимларда ва пойабзалда бўлиши зарур. Айрим муолажалар бемор ёнида узок вақт бирга бўлишни тақозо этиши ва ижтимоий масофани сақлай олиш имконияти бўлмагани туфайли уларда вирусни юктириб олиш эҳтимоли юқоридир.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, Хитойнинг Ухан шаҳрида жарроҳлик амалиёти ўтказилган биргина бемор 14 нафар тиббиёт ходимига коронавирус инфекциясини юктирган. Ушбу халқаро ташкилот ахборотида кўра, қон ва биологик суюқликлар орқали тарқаладиган инфекциялардан энг аввало, ҳамширалар кўпроқ зарарланади, бу зарарланганлар умумий кўрсаткичининг 43 фоизини ташкил этади. Айни кунларда инфекция ўчоқларида хизмат қилаётган тиббиёт ходимларининг хавф даражасини аниқлаш мушкул.



Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига таяниб айтилган бўлса, тождор вируснинг ўчоқларидан бири бўлган Италияда 120 мингга яқин касалланиш ҳолати қайд этилган вақтда уларнинг 6 200 тасини тиббиёт ходимлари ташкил қилган. Испанияда бу кўрсаткич 6 500 нафар тиббиёт ходимини (12 фоиз) қамраб олмақда.

Аслини олганда, нафақат тиббиёт ходимлари, балки ҳар бир фуқаро шахсий гигиенага амал қилса, қўлларини совунлаб ювса, антисептик воситалардан фойдаланса, ниқобсиз кўчага чиқмаса кифоя. Дока ниқобларни ҳар 4 соатда, бир марталик ниқобларни 2 соатда янгилаб тақса, ижтимоий масофани сақласа, касаллик аломатларини сезиши биланоқ тиббиёт ходимларига мурожаат қилса, ўзини ва яқинларини мана шу балодан асраган бўлади. Ҳозирги пандемия шароитида нафақат юртимиз, балки бутун дунёда олқишланаётган тиббиёт ходимлари инсоният олдидаги бурчларини сидқидилдан адо этсин-у, бу дард тезроқ йўқолсин. Бу борада сиз ҳам ўз ҳиссангизни қўшинг, вирус тарқалишига йўл қўйманг!

Сержант Гулрух МУСАЕВА,
Мудофаа вазирлиги Марказий ҳарбий клиник госпитали бош фельдшер

МУДОФААГА КЎМАКЛАШУВЧИ «ВАТАНПАРВАР» ТАШКИЛОТЛАРИДА

Коронавирус пандемияси халқимизни ҳар жиҳатдан синовдан ўтказмоқда. Бу «кўринмас ёв»дан деярли барча соҳа азият чекапти. Жумладан, автомобилотранспорт воситалари ҳайдовчиларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш билан шуғулланувчи ташкилотлар ҳам. Аммо «Бир ёмоннинг бир яхшиси бор», деганларидек, пандемия натижасида ўрнатилган карантин талаблари ушбу тизимга ҳам инновацион технологияларни кенг жорий этиш жараёнини тезлаштиргани айни ҳақиқатдир.

Карантин сабаб ўз фаолиятини вақтинча тўхтатган автомобилотранспорт воситалари ҳайдовчиларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш билан шуғулланувчи ташкилотларда эндиликда Республика махсус комиссияси ахборотида кўра, назарий машғулотлар масофадан туриб (онлайн) ўқитиш орқали амалга оширилишига, амалий машғулотлар эса санитария талабларига қатъий риоя қилган, шу жумладан, тиббий ниқоб, тиббий қўлқопдан фойдаланган ҳамда автотранспорт воситаларини дезинфекция қилган ҳолда ташкил этилишига рухсат берилди.

Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Самарқанд вилояти кенгаши тасарруфидаги Каттакўрғон тумани

ЎСТКда ДЕЗИНФЕКЦИОН ТУННЕЛЬ ТАШКИЛ ЭТИЛДИ

ни ўқув-спорт техника клуби жамоаси ҳам ўз фаолиятини карантин талаблари асосида ташкил этиб, санитария талабларига риоя қилган ҳолда ўқув жараёниларини бошлади. Аввало,



ташкилот биносига кириш йўлагига дезинфекцион туннель ўрнатилди. ЎСТК биносига кираётган ҳар бир кишининг тана ҳарорати ўлчанмоқда. Ўқув автомобиллари амалий машғулотлар олдидан ва машғулотлардан сўнг дезинфекция қилинмоқда.

– Ҳайдовчилар тайёрлаш тизими ҳам янги босқичга қадам қўйди, – дейди туман ЎСТК бошлиғи Рўзимурод Жўраев. – Бунинг учун қатор қулайликларга гувоҳ бўляпмиз. Хусусан, масофавий таълимда ўз-ўзидан давомат масалалари «кичик»лашиб, ўқитувчиларнинг асосий кучи билим беришга йўналтирилади. Тингловчилардан фақат билим олиш, ўз устида ишлаш талаб этилади. Аммо ушбу таълимнинг ҳам камчиликлари борлигини инкор этиб бўлмайди. Жумладан, бу жараёнда интернетда узилишлар рўй бериш ҳолати кузатилиши мумкин. Шунинг учун телеграм ижтимоий тармоқларида очилган саҳифалар, гуруҳлар ва бошқа тизимлар орқали онлайн тарзда мулоқотга киришиб, тегиш-

ли мавзуларда тингловчиларга топшириқлар ва маслаҳатлар бериб боришмоқда. Бундан ташқари, йўл ҳаракати қоидалари, автомобиль тузилиши, автомобилни хавфсиз бошқариш асослари ва бошқа мавзуларда тайёрланган видеоматериаллар, дисклар, аудио ҳамда медиақўлланмалар, китоблардан кенг қўламда фойдаланилмоқда.

Ташкилотда ўқитиш жараёни билан бир қаторда, ёшларни ҳар жиҳатдан баркамол шахс даражасида тарбиялаш ишлари ҳам эътибордан четда қолаётгани йўқ. Хусусан, Вазирлар Маҳкамасининг «Ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ишлари самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ижроси доирасидаги тадбирлар ҳам масофадан олиб бориляпти. Ҳарбий-ватанпарварлик, маънавий-маърифий, маданий ва оммавий спорт тадбирларини ўтказишда соғлом рақобат муҳитини яратиш шулар жумласидандир.

Масофавий таълим ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ҳайдовчиликка ўқиётган ёшлар учун қулай шароитларни яратиш берди. Меҳнат билан машғул шахсларнинг жамиятдаги ҳаётини фаоллиги мустаҳкамланиб, дунёқараши кенгайишига хизмат қилмоқда.

А. АЛЛАМУРДОВ

ХОРИЖ АРМИЯЛАРИДА

ФРАНЦИЯ ҲАРБИЙ ҲАВО КУЧЛАРИ



Нафақат Европа, балки дунёнинг ривожланган давлатларидан бири ҳисобланувчи Франция Республикасида ҳар томонлама яхши тайёргарликка эга бўлган, замонавий қурол-яроғ ҳамда жанговар техника билан таъминланган миллий армия шакллантирилган бўлиб, Ҳарбий ҳаво кучлари (ХҲК) унинг асосий турларидан биридир.

Франция ҳукумати томонидан қабул қилинган доктринал ҳужжатларга мувофиқ, бу турдаги қўшинлар зиммасига мамлакат ҳаво бўшлиқларини муҳофаза қилиш, эҳтимолий жанговар вазиятларда ҳавода устунликни қўлга олиш ва душмanning энг муҳим маъмурий, sanoat ва ҳарбий объектларига зарбалар бериш, стратегик ядро кучларининг ҳаво компоненти, (бўғини)ни жалб қилган ҳолда ядровий тўхтатиб туриш сиёсатини амалга ошириш, ҳаво ва космик бўшлиқни назорат қилиш, миллий Куролли Кучларнинг мамлакат ҳудуди ва унинг ташқарисидаги қўшинларини ҳаво ҳужумидан мудофаа қилиш, қўшин, ҳарбий техника ва моддий воситаларнинг транспорт ташувларини таъминлаш, Куруқликдаги қўшинлар ва Ҳарбий денгиз кучлари бўлинмаларини авиацион қўллаб-қувватлаш, ҳаво разведкаси олиб бориш, қидирув-қутқарув операцияларида иштирок этиш, шунингдек, давлат хизматлари ва идоралари манфаатидаги бошқа вазифалар юкланган.

Ҳарбий ҳаво кучларига бевосита раҳбарлик махсус штаб томонидан амалга оширилади, бу штаб Франция Мудофаа вазирлигига қарашли «Балар» ҳарбий-маъмурий комплекси (Париж шаҳри) ҳудудида жойлашган. Ғарб оммавий ахборот воситаларида берилган маълумотларга кўра, Франция ХҲКнинг умумий сони 41 160 нафар ҳарбий хизматчи (шу жумладан, 6 299 нафар офицер, 24 416 нафар унтер-офицер, 10 391 нафар аскар ва сержант, шунингдек, 64 нафар кўнгилли) ва 5 079 нафар фуқаро хизматчилар (жами 46 239 киши)ни ташкил этади. Умумий миқдорнинг 21 фоизи (9 минг нафарга яқин) аёл ҳарбий хизматчилардан иборат.

Ташкилий жиҳатдан ХҲК таркибига 2 та оператив қўмондонлик – стратегик авиация, ҳаво операциялари ва ҳаво ҳужумидан мудофаа қўмондонлиги ҳамда маъмурий (француз терминологияси бўйича – «ташкилий») қўмондонлик киради. Бундан ташқари, бу турдаги қўшинлар учун кадрлар тай-

ёрлаш билан шуғулланувчи марказий бошқарма ҳам ХҲК штаби бошлиғига бўйсунди.

Стратегик авиация қўмондонлиги мамлакат ядро стратегик кучларининг ҳаво компонентида (Ҳарбий денгиз кучлари авиациясининг ядро кучларидан ташқари) зарурат туғилган ҳолатларда фойдаланиш учун масъул ҳисобланади. Мазкур қўмондонлик таркибидан 2 та қирувчи-бомбардимончи авиация эскадрильяси («Гаскони» ва «Лафайет» номли), шунингдек, «Бретань» русумли ёнилғи қуувчи авиация эскадрильяси жой олган. Қўмондонликка қарашли жанговар техника таркибидан ядро қуроли ташишга мўлжалланган икки типдаги самолёт – «Рафаль» русумли кўп мақсадли қирувчи ва «Мираж-2000N» типдаги қирувчи-бомбардимончи самолётлар, шунингдек, уларга ҳавода ёнилғи қуйиш вазифаларини бажарувчи С-135F ва КС-135R типдаги стратегик ёнилғи қуйиш самолётлари бор.

Ҳаво операциялари ва ҳаво ҳужумидан мудофаа қўмондонлиги мамлакат ҳаво бўшлиқлари мудофаасини ташкил қилиш, Франция ҳудуди ва унинг ташқарисида ўтказиладиган ҳаво операцияларини режалаштириш ва уларни бошқариш билан шуғулланади. Бошқарув штаби Париж шаҳрида жойлашган.

Авиация қўмондонлиги ХҲКга қарашли барча куч ва воситаларга маъмурий раҳбарликни амалга оширади (штаб Мериньяк авиабазасида жойлашган). Қўмондонлик таркибидан жанговар ва ёрдамчи авиация самолётлари эскадра ва эскадрильялари, ҳаво бўшлиқини назорат қилувчи куч ва воситалар, шунингдек, турли вазифаларни бажаришга мўлжалланган 6 та авиация бригадаси жой олган. Ҳудудий жиҳатдан ХҲК қисм ва бўлинмалари авиация базаларига бириктирилган бўлиб, Франциянинг континенталь қисми ҳудудида жами 27 та авиабаза жойлашган.

ХҲК қисм ва бўлинмалари мамлакатнинг денгиз орти ҳудудларидаги Рошамбо (Кайенна, Франция Гвианаси), Реюньон (Реюньон ороли), Нумеа Тонгута (Янги Каледония) ва Таити (Франция Полинезия) авиабазаларида, хориз давлатлари ҳудудида эса Ал-Дафра (Бирлашган Араб амирликлари) ва Жибути (Жибути) авиабазалари ҳамда Абиджан (Кот-д'Ивуар) ва Либревиль (Габон) шаҳарлари аэродромларида жойлашган.

Франция ХҲК таркибидан 13 та жанговар авиация самолётлари эскадрильяси (12 та қирувчи ва 1 та разведкачи), разведкачи учувчисиз учиш аппаратлари эскадрильяси, 35 та ёрдамчи самолётлар эскадрильяси (шу жумладан, 3 та ўқув) ҳамда 4 та вертолёт эскадрильяси бор.

Қўшин тасарруфида 234 та жанговар авиация самолётлари (шу жумладан, 232 та тактик қирувчи самолёт), 257 та ёрдамчи авиация самолётлари, 76 та вертолёт (шу жумладан, 50 та жанговар

вертолёт), учувчисиз учиш аппаратлари (10 та), САМП/Т (8 та) ва «Кроталь-НГ» (12 та) типдаги зенит-ракета комплекслари бор.

Ҳозирги даврга келиб анча эскириб қолган авиация техникаларини замонавий типдаги самолётлар билан алмаштириш Франция ХҲК қурилишининг энг муҳим йўналишларидан бири ҳисобланади. Хусусан, фойдаланиш ресурсларини ўтаб бўлган «Мираж-2000» типдаги машиналарни «Рафаль» русумли кўп мақсадли қирувчилар билан алмаштириш ишлари давом эттирилмоқда. Бундан ташқари, С-135F ва КС-135R типдаги стратегик ёнилғи қуйиш самолётларини яқин истиқболда ХҲК таркибидан чиқариш ва уларнинг ўрнига А.330МРТТ типдаги замонавий самолётларни харид қилиш кўзда тутилган. Шунингдек, бу турдаги қўшинларни «Сккоа» типдаги автоматлаштирилган бошқарув тизими билан таъминлаш ишларини яқинида етказиш, «Мираж-2000D» ва «Мираж-2000-5F» русумли қирувчи самолётлар, С-130 ҳарбий-транспорт самолётлари, ЕС-725, АS-532 ва SA-330 типдаги вертолётларни модернизациялаш ишларини давом эттириш, А.400М типдаги янги ҳарбий-транспорт самолётлари (жами 15 та) ва MQ-9 «Рипер» русумли учувчисиз учиш аппаратларини (3 та) харид қилиш режалаштирилган.

ҲАРБИЙ ҲАВО КУЧЛАРИ

Умумий сони – 41 160 киши



Пўлат САЙДИВАЛИЕВ тайёрлади.

ЧЕГАРАДА ТЎҚНАШУВ



Reuters агентлигининг Хиндистон Мудофаа вазирлиги баёнотида таянган ҳолда хабар беришича, Хиндистон ва Хитой чегарасида содир бўлган тўқнашув вақтида Хиндистон армиясининг ўнлаб аскарлари ҳалок бўлган. 17 нафар оғир яраланган ҳарбий хизматчилар воқеа жойида қурбон бўлган.


Маълумотларга кўра, ҳозирда ҳар икки томон ҳарбийлари тўқнашув жойини тарк этган. Хиндистоннинг ANI агентлиги Хитой томонидан 43 киши жабрланганини (ҳалок бўлган ва яраланган) маълум қилган.

ГАЛАБА ПАРАДИГА ТАЙЁРГАРЛИК



24 июнь куни Москвада бўлиб ўтадиган Галаба парадига иштирок этиш учун 12 та мамлакат ҳарбийлари Россияга етиб келган. Россия армиясининг Куруқликдаги қўшинлари Бош қўмондончи Олег Салюковнинг оммавий ахборот воситаларига берган интервьюсида айтилишича, Озарбайжон, Арманистон, Беларуссия, Қозоғистон, Қирғизистон, Хитой, Молдова, Монголия, Сербия, Тожикистон, Туркменистон ва Ўзбекистон ҳарбийлари Россия пойтахтига етиб келган ва уларнинг аксарияти 15 июнда Алабинода ўтказилган дастлабки тайёргарлик машқида иштирок этган.

ҚИММАТБАҲО МАКТУБ



Тасвирий санъатнинг постимпрессионизм йўналишидаги таникли рассомлар Винсент ван Гог ва Поль Гоген томонидан ёзилган мактуб Парижда бўлиб ўтган аукционда 210,6 минг еврога сотилган. Бу ҳақда Drouot аукцион уйи маълум қилган. Бу мактуб 1888 йилнинг ноябрь ойида рассомлар ҳамкорликда ишлаган Арль шаҳридан уларнинг умумий дўсти Эмиль Бернар (у ҳам рассом) номига йўлланган бўлиб, унда ван Гог ва Гоген ўша давр санъати борасидаги ўз фикрларини баён қилган. Таъкидланмишча, мактуб муаллифлари уни навбатма-навбат ёзишган.

ЖАҲОНДА

Интернет материаллари асосида тайёрланди.

ХОРИЖ ТАЖРИБАСИ

КОРЕЯ РЕСПУБЛИКАСИ
ҲАРБИЙ САНОАТИ

Осиё-Тинч океани минтақасидаги кескин ҳарбий-сиёсий вазият шароитларида Корея Республикаси раҳбарияти мавжуд хавф-хатар ва таҳдидларга муносиб жавоб қайтаришга қодир бўлган миллий Қуролли Кучларни мунтазам равишда тақомиллаштириб бориш масаласига жиддий эътибор қаратиб келмоқда. Шунга мос равишда, ҳукуматнинг асосий сазъ-ҳаракатлари миллий армияни замонавий қуроллар ва ҳарбий техника билан таъминлашга йўналтирилган. Қайта қуроллантириш режаларига кўра, миллий ҳарбий санаят корхоналари Қуролли Кучлар эҳтиёжини таъминлашнинг асосий манбаи сифатида белгиланган.

Давлатнинг бевосита иштироки ва ҳарбий-сиёсий раҳбариятнинг доимий назорати натижасида мамлакатда қисқа муддатлар ичида миллий ҳарбий санаятнинг замонавий талаблари асосида ривожлантиришнинг илмий-ишлаб чиқариш базаси яратилди. Ҳозирда ҳарбий йўналишдаги маҳсулотларни хориждан сотиб олиш ёки лицензия асосида ишлаб чиқаришдан техник жиҳатдан мураккаб қурол тизимларини хусусий технологиялар асосида мамлакатнинг ўзида кенг кўламада ишлаб чиқаришга ўтиш энг долзарб вазифалардан бири ҳисобланади.

Корея Республикаси ҳарбий санаяти тўлиқ тармоқли тизимга эга (атом санаятидан ташқари). Унинг таркибига ракета-космик, авиация, бронетанк, кemasозлик, артиллерия ва ўқотар қуроллар, ўқ-дори ишлаб чиқариш ва радиоэлектроника тармоқлари қиради. Ҳарбий ишлаб чиқариш сектори 90 дан зиёд компания – хусусий молия-санаят гуруҳлари (чеболлар)дан ташкил топган. Чебол – молия-санаят гуруҳларининг Жанубий Кореяча шакли бўлиб, мамлакатдаги оилавий кланларнинг хусусий мулки бўлган ҳамда ягона маъмурий ва молиявий назорат остидаги расман мустақил компаниялар гуруҳини билдиради.

Ҳарбий техника ва қуролларнинг асосий қисми «Ханхва групп» («Самсунг тэкви» ва «Ханхва» компанияларининг корпоратив бирлашуви натижасида ташкил топган), «Хёндэ групп», «Дэу», «Дусан» ва «Эл-Жи» сингари 5 та йирик чеболларга қарашли корхоналарда ишлаб чиқарилади.

Мамлакат раҳбарияти ҳарбий-санаят сиёсатининг асосий йўналишларидан бири ҳисобланувчи **ракета-космик санаятини** ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратиб келмоқда. Бунда асосий ургу оператив-тактик ва тактик ракеталарнинг янги авлодини хусусий ишланмалар асосида яратиш ва ишлаб чиқариш, шунингдек, хозирда мамлакат армиясининг Қурулқидидаги қўшинлари тасарруфида бўлган ракета тизимларини (асосан АҚШда ишлаб

чиқарилган) модернизациялашга қаратилган.

«Эл-Жи» чеболи таркибига кирувчи «Лиг Некс 1» компанияси ракета техникаси ва ракета қуролларини яратиш ва ишлаб чиқариш соҳасида етакчи ҳисобланади. Компания корхоналарида «Хёнму-1» типидagi тактик, «Хёнму-2А» ва «Хёнму-2Б» типидagi оператив-тактик ракеталар, «Чхон Рён» русумли қанотли ракеталар, бошқарилувчи зенит ва кемаларга қарши ракеталар, «Чирон» типидagi кўчма зенит-ракета комплексларини ишлаб чиқариш йўлга қўйилган. Бундан ташқари, компания мутахассислари ҳам серияли равишда ишлаб чиқарилади. АҚШнинг «Жавелин» ракета комплекси асосида яратилганига қарамай, «Хёнгун» 95 фойизга Корея корхоналарида ишлаб чиқарилган бутловчи қисмлардан ташкил топган, ўз жанговар тавсифларига кўра эса бу комплекс шу типдаги етакчи хориж маҳсулотлари билан рақобатлашишга қодир.

«Корея аэропейс индастриз» (КАИ) корпорацияси алоҳида йўлдошлари ва йўлдош орқали кузатиш тизимларини яратиш ва ишлаб чиқаришга ихтисослашган. КАИ, «Корея эрлайнс», «Ханхва», «Хангук Файбер» ва «Чунжи» компаниялари ракета техникаси учун таркибий қисмлар етказиб берувчи асосий таъминотчилар ҳисобланади.

Авиация санаяти корхоналарида жанговар самолётлар, вертолётлар, учувчисиз учаш аппаратлари ва авиадвигателлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилган. Хусусан, АҚШда яратилган турли типдаги тактик қирувчи самолётлар ва кўп мақсадли вертолётларни лицензия асосида маҳаллий корхоналарда йиғиш, енгил штурмчи ва ўқув-машқ самолётларини ишлаб чиқариш, шунингдек, турли типдаги турбовинтли ва реактив авиадвигателларни лицензия буйича ишлаб чиқариш амалга оширилмоқда. Ҳарбий ва фуқаровий йўналишдаги самолётлар ва вертолётлар учун физеляжнинг алоҳида қисмлари ҳамда бутловчи қисмларни ишлаб чиқариш буйича катта тажриба тўпланган. Тармоқ корхоналарида авиация техникаси ҳамда авиадвигателларни модернизациялаш ва таъмирлаш ишлари ҳам амалга оширилади. КАИ, «Корея эрлайнс» корпорациялари ҳамда «Ю-Ай геликоптер» ва «Ханхва Тэкви» компаниялари авиация техникасининг асосий таъминотчилари ҳисобланади.

Бронетанк санаяти Корея Республикаси ҳарбий санаят комплексининг энг ривожланган тармоқлари қаторига қиради. Унга қарашли корхоналарда замонавий технологияларни фаол жорий этиш, янги типдаги ғилдиракли ва гусеничали зирхланган техникаларни ишлаб чиқариш буйича илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишлари олиб борилмоқда. Тармоқ корхоналарида

Табрик

МЕҲНАТИМИЗ,
ЗАҲМАТИМИЗ БИР

Аваз ОХУН,
сўз устаси

Сўз билан ишлайдиган соҳа вакиллари унинг машаққати ва заҳматини жуда яхши билади. Журналистика ҳам Худо берган истеъдодни йиллар давомида сўз орқали юзага чиқариш демакдир. Бу йўлда тинимсиз меҳнат, челақ-челақ қора тер ётибди.

Мен саҳнага чиқиб, одамларга яхши кайфият улашсам, дейман. Бир зал одамнинг юзига табассум улашишда ҳам ягона қуролим бу – сўз.

«Vatanparvar» газетасида қўшним ишлайди. Бир сафар ҳарбий мавзудаги латифада чиққан сонини ўқидим-у, шундан қизиқишим ортди. Мард, жасур ҳарбийларимизнинг мана шундай минбари борлигидан қувондим.

«Vatanparvar» юртимиз ҳимоячилари бўлмиш ҳарбийларимизга жанговар руҳ улашишдан асло қарчамасин. Ҳарбий журналистларимизнинг қуроли – сўзи кескир бўлсин!

K1A1, K2 «Қора пантера» ва бошқа типдаги асосий жанговар танклар, турли тип ва русумдаги зирхли жанговар машиналар, кўприк ўрнатувчи ва таъмирлаш-эвакуация машиналари, ўзинорар миномётлар, турли масофаларга мўлжалланган зенит-ракета комплекслари ва кўплаб бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқарилади. «Эл-Эс-Мтрон», «Пхёнхва индастриз» ва «Тонсун электрик машин» компаниялари зирхли техникалар учун таркибий ва бутловчи қисмлар етказиб берувчи асосий таъминотчилар ҳисобланади.

Корея Республикасида ҳарбий-денгиз техникаларини ишлаб чиқариш бундан 40 йил аввал фуқаро корхоналари базасида бошланган. Мамлакатнинг замонавий **кemasозлик санаяти** хусусий ишланмалар, шунингдек, хорижий лицензиялар асосида янги типдаги дизель-электр сувости кемалари, барча типдаги (авиатасувчилардан ташқари) сув усти кемалари ва турли ёрдамчи кемаларни қуриш учун зарур бўлган қувватларга эга. «Хёндэ хэви индастриз», «Дэу шипбилдинг энд марин инжиниринг», «Ханчжин хэви индастриз энд констракшн», «Эс-Ти-Икс» ва «Каннам» корпорациялари мазкур тармоқнинг асосий корхоналари ҳисобланади. Уларнинг барчаси Корея кemasозлар ассоциацияси таркибига қиради.

Таъкидлаш мумкинки, сўнгги йилларда Корея Республикасида **артиллерия ва ўқотар қуроллар, ўқ-дорилар ишлаб чиқариш ва радиоэлектроника санаяти** ҳам жадал ривожланиб бормоқда. Мазкур тармоқларда ҳам асосий эътибор хусусий ишланмалар асосида турли типдаги замонавий қуроллар яратиш, шунингдек, шу йўналишдаги энг яхши хорижий маҳсулотларни лицензия буйича ишлаб чиқаришга қаратилмоқда.

П. САЙДИВАЛИЕВ тайёрлади.

ЛОТИН АЛИФБОСИГА ЎТИШ



Қозғоғистон Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев Россиянинг «Комсомольская правда» газетаси муҳбирига берган интервьюсида Қозғоғистон аста-секин кирилл алифбосидан лотин алифбосига ўтишини маълум қилган. Тоқаев таъкидлашчи, бу жараёнга мамлакатнинг Биринчи Президенти Нурсултон Назарбоев томонидан мамлакатни маънавий модернизациялаш концепцияси доирасида асос солинган. Ҳозирда лотин алифбосига ўтиш фақат қозқ тилига тааллуқли эканлиги, бу ҳолат рус тилига таъсир кўрсатмаслиги алоҳида таъкидлаб ўтилган.

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИГА ЭЪТИБОР



Туркменистон Президенти Гурбангули Бердимухамедов бошлиғида ўтган мажлисда мамлакатнинг қишлоқ хўжалиги салоҳиятини янада кенгайтириш масаласи кўриб чиқилди. Йўғилишда мамлакат раҳбари масъул ходимларга ҳосилни тошпирган ижарачилар билан дархол ҳисоб-китоб қилиш, шунингдек, мавсумий ишчилар учун маданий тадбирлар ва савдо нуқталарини ташкил этишини тошпирган. Қишлоқ хўжалиги техникасининг узлуқсиз ишлашини таъминлаш асосий масалалардан бири эканлиги алоҳида таъкидлаб ўтилган.

ЁРДАМ МАБЛАҒИ АЖРАТИЛДИ



Осиё тараққиёт банки пандемияга қарши курашда Қирғизистоннинг соғлиқни сақлаш секторини мустаҳкамлаш учун 20 миллион доллар миқдорда ёрдам маблағи ажратган. Бу ҳақда ОТБнинг ушбу мамлакатдаги ваколатхонаси маълум қилган. «Марказий Осиёдаги очиқ ва интеграциялашган мамлакатлардан бири ҳисобланувчи Қирғизистонда пандемия билан боғлиқ ҳолат мураккаблигига қолмоқда. Биз бу масалада республикани қўллаб-қувватлашда давом этамиз», деди банк вице-президенти Шисинь Чен.

Генерал билан учрашув

«Кексалар ҳаёти ёшлар учун ибрат мактаби. Эзгуликка, хайрли амалларга йўғрилган бу умр йўли авлодларга қимматли ҳаёт сабоқларини беради. Тошкент вилоятининг Нурафшон шаҳридаги вилоят Ёшлар марказида ўтказилган «Генерал ва ёшлар» учрашуви ҳам шу жиҳати билан аҳамиятлидир.

«Ёшлар ойлиги» доирасида Чирчиқ ҳарбий прокуратураси билан ҳамкорликда ўтказилган мазкур тадбирнинг азиз меҳмони истеъфодаги генерал-майор Раҳматулла Атаханов бўлди. Учрашувда Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юрти курсантлари бевосита иштирок этди. Тошкент вилоятининг 22 та шахар ва туманларидаги ёшлар эса онлайн кузатишди.

Самимий руҳда ўтган учрашув давомида генерал-майор Р. Ата-

ханов ёшларнинг қизиқишларидан келиб чиққан ҳолда курсантлик даври, армия сафларидаги хизмат фаолияти, миллий армиянинг шаклланиш босқичлари, хизмат билан боғлиқ қизиқарли воқеалардан сўзлади. Қуролли Кучлар тизимида олиб борилаётган ислохотларни эътироф этди. Шунингдек, ҳарбий хизматчи бўлишни ихтиёр этган ўғил-қизларга қимматли тавсияларини берди.

Чирчиқ ҳарбий прокурори адлия подполковниги Акбар Бобоев ўз



сўзида ҳарбий касб масъулияти, ҳарбий хизматчи интизоми хусусида атрофлича фикр юритди.

Шунингдек, тадбир давомида пандемия шароитида амалга оширилган саҳоват ишларида қўнғилли равишда иштирок этган бир гуруҳ ёшлар тақдирланди.

Мудофаа вазирлиги Махсус авиация тиклаш бошқармасининг «Импулс» ансамбли томонидан ижро этилган куй-қўшиқлар тадбирга ўзгача файз бағишланди.

Майор
Гулнора ҲОЖИМУРОВА

БИТИРУВ

ОМАД ЁР БЎЛСИН, ЁШ ОФИЦЕРЛАР!

«Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Ҳарбий-техник институтининг навбатдаги битирувчиларига диплом ва кўкрак нишонлари топширилишига бағишланган тантанали маросим бўлиб ўтди.



Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари ва жамоат арбоблари, Миллий гвардия қўмондонлиги вакиллари иштирок этиб, битирувчиларни офицер деган шарафли номга сазовор бўлганликлари билан самимий муборакбод этдилар.

– Мазкур маросимда битирувчиларнинг ҳарбий хизматга нечоғлиқ тайёр ва белгиланган талабларга муносиб эканликларининг гувоҳи бўлдик. Дарҳақиқат, Ватан ҳимояси – муқаддас ва шарафли касб ҳисобланади, – дейди депутат Тўлқин Каримов.

– Тўрт йил мобайнида ҳарбий, сиёсий ва ижтимоий фанлардан чуқур билим ва кўникмаларга эга бўлдик. Энди эса бу билимларимизни Ватанимиз тинчлиги, халқимиз фаровонлиги йўлида ва келгуси хизмат фаолиятимизда самарали қўллашимиз, – дейди лейтенант Асомиддин Жаҳонов.

– Ҳар бир ота-она учун фарзанди олий ҳарбий таълим муассасасини битирган кун унутилмасдир. Менинг ҳам қувончим чексиз. Сабаби, ўғлим ўзининг биринчи ҳарбий вазифасига эга бўлди. Ватанимиз оқибатини сақлаш учун керакли бўлган билим ва кўникмаларни мужассамлаштириш учун тажрибали устоз офицерлар қўлида таълим олди. Она сифатида ундаги мардлик, жасорат, ватанпарварлик, инсонпарварлик каби туйғуларнинг янада шаклланишини ҳис эътибор, – дейди Барно Каримова.

Ватан ҳимоясига отланган ушбу мард ва жасур ўғлонларга келгуси хизматларида улкан зафарлар тилаб қоламиз!

Лейтенант Эйтибор ШИРАЕВА,
оддий аскар Нафосат ЗАФАРОВА,
Миллий гвардия ахборот хизмати

ИБРАТ

«ЭЗГУЛИК, АЛБАТТА, ҚАЙТАДИ»

Ватан ва халқ осойишталиги йўлида хизмат қилиш учун ғайрат камарини белларига маҳкам боғлаган ҳарбий хизматчилар ҳамisha қасамедига содиқ, аҳдига вафодордирлар. Улар шу юрт келажаги учун дахлдорлик хисси билан яшайди, тақдирини она Ватан тақдири билан чамбарчас боғлиқ ҳолда кўради, юртдошларимиз осойишталиги йўлида ўз ҳузур-ҳаловатидан воз кечиб, кечани кеча, кундузни кундуз демасдан, ҳар қандай шароит ва вазиятда бурчини мардонавор адо этишади. Сарҳадларимиз дахлсизлигини, халқимиз тинчлигини юксак ҳушёрлик ва мислсиз садоқат билан кўриқлайди.

Бундан ташқари, бутун дунёга таҳдид солиб, бизнинг мамлакатимизни ҳам четлаб ўтмаган коронавирус пандемиясига қарши курашиш ишларида ҳам юрт ўғлонлари биринчилар қаторида бўлишди. Ёлғиз қариялар, уруш ва меҳнат фахрийлари, ижтимоий кўмакка, ўзгалар эътиборига муҳтож инсонлар ҳолидан хабар олиш, Меҳрибонлик уйларида улғаяётган беғуноҳ норасидаларга совға-саломлар улашиб, уларнинг ўксик кўнғилларига озгина бўлса-да, шодлик, таскин бағишлаш, моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш каби эзгу ва савоб ишларда ҳам уларнинг фаоллик кўрсатётгани таҳсинга сазовор.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 10 февралдаги «Ўзбекистон Республикасида гематология ва трансфузиология хизматларини ривожлантириш ҳамда онкогематологик ва даволаш қийин бўлган касалликларга чалинган шахсларни янада қўллаб-қувватлаш чора-тад-

бирлари тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш, етарли миқдорда қон маҳсулотлари захирасини тайёрлаш мақсадида республикамизда 2020 йил 13-15 июнь кунлари «Эзгулик, албатта, қайтади» шиори остида ўтказилган хайрия донорлик акциясида ҳам ҳарбий хизматчилар фаол бўлишди.

Жумладан, Тошкент вилоятининг Зангиота туманида жойлашган алоқачилар ҳарбий қисми шахсий таркиби ҳам аҳволи оғир беморларнинг ҳаётини сақлаб қолишга ҳисса қўшиш мақсадида ихтиёрий қон топшириб, ушбу эзгу ишга бош қўшдилар.

– Акцияда иштирок этаётган ҳарбий хизматчилар ушбу саъй-ҳаракатлари натижасида кимгадир бебаҳо неъмат бўлган ҳаётга қайтишдек қувонч nasib этиши мумкинлигини жуда яхши англайдилар, – дейди ҳарбий қисм командирининг тарбиявий ва мафқуравий ишлар бўйича ўринбосари подполковник Бахтиёр Боев. – Қолаверса, бағрикенглик, хайру саҳоват, инсонларга қувонч улашиш – халқимизга хос юксак фазилат. Армия ва халқ эса ҳамisha бирга, ҳамisha бирдамдир.

Ихтиёрий донорлик акциясида иштирок этаётган ҳарбий хизматчилардан қон олиш жараёни карантин талабларига риоя қилинган ҳолда амалга оширилди. Ҳарбий қисм ва муассасаларда бунинг учун етарлича шарт-шароитлар яратиб берилди. Қон топширган ҳарбий хизматчиларнинг саломатлигида ўзгаришлар юзга келмаслиги учун қатъий шифокорлар назорати таъминланди.

Подполковник Ёшин ҲАКИМОВ



Мудофаа вазирлиги раҳбарияти вазирлик қўшинлари алоқа тизимини ривожлантириш, замонавий алоқа, ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий қилишда фаол иштирок этган Қуролли Кучлар Бош штаби Алоқа, ахборот технологиялари ва ахборотларни ҳимоялаш бош бошқармасининг Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш бошқармаси бошлиғи

майор Мирзаев Нодир Эгамбердиевичнинг беватқ вафоти муносабати билан унинг оила аъзоларига чуқур таъзия изхор қилади ҳамда ҳамдардлик билдиради.



ERKA CHUMOLIVOY

Yoz kelibdi. Dala, qirda bug'doy, arpa yetilibdi. Odamlar o'rimga tushishibdi. Hosil shunday mo'l ekanki, baland-baland xirmonlarda arpa, bug'doylar xuddi oltinday tovlanibdi.

Dalada chumolilar bo'lishini hamma biladi. Chumolilar juda mehnatkashligini hamma ko'rgan, lekin biz hikoya qilayotgan erka Chumolivoy soya yerni topib uxlagani-uxlagan ekan. Aka-ukalari unga tanbeh berib:

- Chumolijon, tur, qish g'amini qilaylik. Hali sen qish qanday bo'lishini bilmaysanda. Qishda qattiq sovuq bo'ladi, yerlar muzlaydi, don-dunlar qor tagida qoladi, - deyishsa, erka Chumoli:

- Sizlar borsizlar-ku, mening nima g'amim bor! - deb javob berarkan.

Yoz o'tib, kuz kelibdi. Dehqonlar don-dunlarini uylariga tashib olishibdi. Sekin-astan chumolilar ham inlariga yashirina boshlashibdi. Shunda erka Chumolivoy shoshib qolibdi. U qaysi inga kirishini bilmay dovdirabdi. O'rmalab yura-yura bir inga kirishga majbur bo'libdi. Chunki sovuq shamol va yomg'irga bardosh bera olmabdi. Bu inga chumolilar podshosi Nux yashar ekan. Uning soqchilari begona chumoli bolasini ko'rib, hayron bo'lishibdi va Nuxga xabar berishibdi.

Shunda podsho Nux chumolini olib kirishni aytibdi.



Don-dunga to'la inga hamma chumolilardan kattaroq chumoli unga savol berib:

- Xo'sh bo'tam, nima qilib yuribsan, otanang bormi? - debdi.

- Ha, bor edilar, men adashib qoldim, - debdi.

- Qishga don-dun yig'ganmiding? - debdi Nux. Shunda Chumolivoy nima deyishini bilmay yig'lab yuboribdi. Voqeani payqagan podsho Nux erka chumoliga:

- "Dangasalik yomon odat, senga bermas hech saodat!" - debdi. Erka Chumoli qilgan ishidan pushaymon bo'libdi. Nux podshodan kechirim so'rab, qishni shu yerda o'tkazishni iltimos qilibdi. Nux kichkina Chumoliga rahm qilibdi.

Bahor kelibdi. Quyosh nuri qor, muzlarni

eritibdi, dala-qirni ko'm-ko'k o't qoplabdi. Nux podsho barcha chumolilarning dalaga chiqishiga ruxsat beribdi. Birinchi bo'lib bizning erka Chumolivoy shoshilib dalaga chiqibdi. Chor-atrofga boqibdi. Ota-onasi, aka, opalarini qidiribdi. Qarasa, uzoqda ular o'rmalab yurgan ekanlar. Chumolivoy ular tomonga o'rmalabdi. Ular erka chumolini ko'rib, xursand bo'lishibdi. Chumolivoy boshdan kechirganlarini ularga aytib beribdi. Keyin hammalaridan kechirim so'rab, endi hech qachon dangasalik qilmasligini aytibdi.

Hammalari Chumolivoyini qishda xavf-xatardan qutqazgan Nux podsho va uning askarlariga minnatdorchiilik bildirishibdi.

"Ertaklar - yaxshilikka yetaklar"
kitobidan olindi.

O'YLA, IZLA, TOP!



Ranglar jilosi



БУ ҚИЗИҚ!

ДОНИШМАНЛАР ТАВСИЯ ҚИЛГАН 7 СИР

Биз сизга ушбу мақолада ошкор қилиниши керак бўлмаган 7 сир ҳақида айтиб ўтмоқчимиз. Донишмандларнинг фикрича, қуйида ёзилган сирларни сирлигича сақласангиз, келажакда сизни буюк муваффақиятлар кутади.

1. Сир сақланиши лозим бўлган биринчи нарса – узоқни кўзлаган режалар. Бу режалар амалга ошмагунча уларни ҳеч кимга айтманг. Бизнинг ҳар бир ғоямиз ўзимизга қарши ишлатилиши мумкин.

2. Қилган хайр-саховатингиз билан мақтанманг. Саховат ноёб нарса бўлиб, уни кўз қорачиғидек асраш даркор. Қилган яхши амалингиз билан мақтанманг. Кибр хайрли амалингиз ортдан келган яхшилиқни тортиб олади.

3. Ўз дидингиз ҳақида гапирманг. Дуч келган кишига қандай овқатларни ёқтиришингиз-у, нималарни емаслигингиз, қанча ухлашингиз ҳақида гапирмаверманг.

4. Айтмаслик керак бўлган тўртинчи сир бу мардлик, жасоратдир. Кимдир ташқи томондан синовларга дучор бўлади, кимдир ички томондан. Ташқи синовларни ҳамма кўради ва бу синовларни енгган инсонлар мукофот олишади, лекин ички синовларни ҳеч ким кўрмайди ва бу синовларга дош берганлар мукофотланмайдилар.

5. Диний билимларни ошкор қилмаслик. Диний билим турли даражада бўлиб, бу борада мукамалликка эришган инсонгина бу билимини бошқалар билан баҳам кўриши мумкин. Эндигина диний билимларни эгаллай бошлаганларнинг асосий хатоси шундаки, улар дарҳол бу билимларини бошқалар билан ўртоқлашгиси келади ва бу бошқаларга яхшилик келтириш ўрнига уларни адаштиради ва ҳаттоки, чўчитиши ҳам мумкин.

6. Бошқалар билан ўртоқлашиш лозим бўлмаган олтинчи сир оилавий низолар ва умуман, шахсий ҳаётдир. Ёдда тутинг: оилангиздаги муаммолар ҳақида қанчалик кам гапирсангиз, оилангиз шунчалик мустаҳкам бўлади.

7. Бошқаларга айтилмайдиган еттинчи сир эса кимлардандир эшитилган ғийбат ва иғволардир. Кўчада юргангизда пойабзалингиз ифлос бўлиши мумкин. Уйга келиб ёки бировнинг олдига бориб, кимдандир эшитган ёмон сўзларни бошқа одамга айтиш худди уйга келиб, ифлос пойабзалини ечмаган одам кабидир.

С. МАМИРЖОНОВА тайёрлади.

БИР ЧИМДИМ

Илм соҳиб
учун зийнат ва
улуғликдир.

«Унвонул баён»
китобидан

БИЛАСИЗМИ?

Соҳибқирон Амир Темур лашкарида алоҳида тайинланган 300 га яқин сипоҳлар бўлинмаси ҳар сафар қўлларида духул, наққош, нодир, табал, нафир, тирсақки кабилар билан жангга кирарди. Улар жангга қандай вазифани бажарган?

Жавоб: Кўлларида илм ва ақл билан табиқатнинг ҳақиқатини билиш ва уни яхшироқ қилиш учун сипоҳларни тайинлаган эди.

БИЛАСИЗМИ?

Мўғул жангчиси эгарининг қошида иккита меш бўлган. Биттасида ичиш учун сув, иккинчисига қандай егулик бўлган?

Жавоб: Олдидан сув ва кейингида егулик бўлган.

КЕЛГУСИ СОНЛАРДА:

Матбуотнинг
яратилиш
тарихи

Ўзга боғнинг олмаси
(ҳикоя)

VATANPARVAR

Муассис:

Бош муҳаррир:

майор
Ахрор ОЧИЛОВ

Навбатчи:

майор
Гулнора ҲОЖИМУРОВА

Саҳифаловчилар:

лейтенант
Раимз ВАЛИЕВ
Роберт ИСЛАКАЕВ

Мусаҳҳихлар:

Зебо САРИЕВА
Сайёра МЕЛИҚУЗИЕВА
Мастура ҚУРБОНОВА

Телефонлар:

71-260-36-50
Факс: 71-260-32-29.

ISSN 2010-5541

Тахририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифларга қайтарилмайди. Мудофаа вазирлиги Ахборот ва оммавий коммуникациялар департаменти «Ватанпарвар» Бирлашган тахририятнинг компьютер марказида саҳифаланди.

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 2008 йил 6 июнда 0535 рақами билан рўйхатга олинган.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар. Муаллифлар фикри тахририят нуқтаи назаридан фарқлиниши мумкин.

Буюртма: г-662
Ҳажми: 6 босма табоқ.
Бичими: А3.
Адади: 34 716 нусха.
Босишга толпириш вақти: 14:00.
Топширилди: 14:30.

Газета жума куни чиқади. Газета 1992 йилнинг 24 июнидан чиқа бошлаган.

Нашр кўрсаткичи: 114.
Баҳоси: келишилган нарҳда.
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компаниясида чоп этилди. Босмаҳона манзили: Тошкент ш., Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

1 2 3 4 5 6

Манзилимиз:
100164, Тошкент,
Университет кўчаси, 1-уй.



ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ
МУДОФАА
ВАЗИРЛИГИ